# Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

2021 ЙИЛ – ЁШЛАРНИ ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ ВА АҲОЛИ САЛОМАТЛИГИНИ МУСТАҲКАМЛАШ ЙИЛИ

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган ● WWW.XS.UZ ● E-mail: Info@xs.uz ● 2021 йил 1 сентябрь, № 190 (7970) Чоршанба

Сайтимизга ўтиш учун QR-кодини телефонингиз орқали сканер қилинг.


# ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОНДА ЭРКИН ВА ФАРОВОН ЯШАЙЛИК!

**Тошкент вилоятининг Қибрай туманидаги «Янги Ўзбекистон» боғида Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг 30 йиллиги муносабати билан байрам тадбири бўлиб ўтди.**





Муаззам "Янги Ўзбекистон" боғи. Ушбу мажмуа ён-атрофи байрамона безатилган. Бу ерда экилган манзарали дарахтлар ва гуллар, барпо этилган сўлим ҳудудлар ҳамда боғнинг марказий қисмидаги муҳташам бадиий обида — Мустақиллик монументи ташриф буюрувчиларга ўзгача кайфият улашмоқда.

Биргина ушбу боғда амалга оширилаётган улкан бунёдкорлик ҳамда ободонлаштириш ишларининг ўзи ҳам мустақиллик берган инъомдан, юксалиш ва тараққиётдан дарак, десак, айни ҳақиқат. Зеро, мустақил, озод ва обод юртга мана шундай объектлар, байрамлар ярашади.

Бежиз ушбу боғ ҳақида тўхталмадик. Боиси бу йилги байрам тантанаси "Янги Ўзбекистон" боғида ўтказилди.

Истиқлолимизнинг ўттиз йиллигига бағишлаб бунёд этилган ушбу замонавий мажмуага Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати аъзолари, Қонунчилик палатаси депутатлари, ҳукумат аъзолари, фан, маданият, санъат, спорт намояндалари, ишлаб чиқариш илғорлари, тадбиркорлар, отахону онахонлар, дипломатик корпус вакиллари, хорижлик меҳмонлар ва турли соҳаларда меҳнат қилаётган юртдошларимиз, ёшлар таклиф этилган.

Тадбир аввалида Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев миллий қадриятларимиз, истиқлол нафасини бахш этувчи ва юксак дид билан безатилган байрамона саҳнага ташриф буюрди. Йиғилганлар давлатимиз раҳбарини гулдурос қарсаклар билан кутиб олди.

Президентимиз кўп миллатли халқимизни энг улуғ ва энг азиз байрам — Мустақиллигимизнинг 30 йиллик шодиёнаси, бугунги шукуҳли ҳамда улуғ айём билан қутлаб, байрам табригини йўллади, эзгу ҳамда самимий тилакларини изҳор этди.

➡ 4

Ўзбекистон Республикаси Президенти Матбуот хизмати суратлари.

# ВАТАНИМИЗ МУСТАҚИЛЛИГИ – БИЗ УЧУН КУЧ-ҚУДРАТ ВА ИЛҲОМ МАНБАИ, ТАРАҚҚИЁТ ВА ФАРОВОНЛИК АСОСИ

**Президент Шавкат Мирзиёевнинг Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг 30 йиллик байрамига бағишланган тантанали маросимдаги нутқи**

Ассалому алайкум, қадрли ватандошлар!

Муҳтарам меҳмонлар!

Хонимлар ва жаноблар!

Бугун юртимизда улуғ байрам, катта тантана. Кўп миллатли Ўзбекистон халқи жонажон Ватанимиз истиқлолининг шонли ўттиз йиллик тўйини зўр шоду хуррамлик билан нишонламоқда.

**"Янги Ўзбекистон"** деб ном олган мана шу муаззам боғда биз бугун биринчи марта Мустақиллик байрамини ўтказмоқдамиз.

Шу муносабат билан сиз, азизларни, сизларнинг тимсолингизда бутун халқимизни чин қалбимдан табриклаб, ўзимнинг самимий ва энг эзгу тилакларимни билдираман.

Азиз дўстлар!

Барчамизга аёнки, эл-юртимиз асрлар давомида озод ва эркин ҳаётни, адолатли жамиятни орзу қилиб яшади. Бу муқаддас мақсад йўлида жон олиб, жон бериб курашди, машаққатли синовларни мардона енгиб ўтди.

**Халқимиз қалбидаги ҳуррият сари эзгу интилишни ҳеч қандай босқин, зулм ва зўравонликлар йўқота олмади. Бунга кўҳна тарихимизнинг ўзи гувоҳ.**

**1991 йил 31 август куни мамлакатимиз ҳаёти ва тақдирида туб бурилиш ясаган, том маънодаги буюк тарихий воқеа юз берди. Неча юз йиллар давомида келажакка катта умид ва ишонч билан қараб, ҳамиша сабр-матонат билан яшаган халқимиз улуғ орзусига эришди — ўзининг давлат мустақиллигини қўлга киритди.**

Бугунги қутлуғ айёмда барчамиз, бутун халқимиз Ўзбекистон мустақиллигини эълон қилиб, тарихимизнинг энг мураккаб ва оғир даврларида давлатимизни бошқарган Биринчи Президентимиз муҳтарам Ислом Абдуғаниевич Каримов номини, у кишининг бевосита раҳбарлигида, халқимизнинг матонати ва жасорати билан амалга оширилган улкан ишларни эсга олишимиз табиийдир.

Истиқлол йилларида юртимизда янги давлат ва жамият қуриш йўлида муҳим ишлар бажарилди. Қисқа муддатда мамлакатимиз Конституцияси ишлаб чиқилди. Замонавий давлатчилик асослари, қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд ҳокимиятлари шаклланди.

Мамлакатимиз мустақиллиги ва суверенитетини, сарҳадларимиз дахлсизлигини, халқимизнинг тинч ва осойишта ҳаётини ишончли ҳимоя қилишга қодир бўлган Қуролли Кучлар барпо этилди.

Миллий валютамиз — сўм жорий қилинди, олтин-валюта захираларимиз шакллантирилди. Қадимий тарихимиз, бой маданий меросимиз, миллий-диний қадриятларимиз, ўзлигимиз тикланди.

Мухтасар айтганда, кўпни кўрган халқимиз ўзининг мустаҳкам иродаси ва матонати, беқиёс салоҳиятини намоён этиб, тарихан қисқа фурсат ичида улкан тараққиёт йўлини босиб ўтди.

Ватанимиз жаҳон ҳамжамиятидан муносиб ўрин эгаллади.

Мана шундай буюк тарихий жараёнларда фаол иштирок этиш насиб қилганидан кўпчилик ватандошларим қатори мен ҳам бахтиёрман.

Ҳурматли тантана қатнашчилари!

Биз бугун халқчил ва демократик тамойилларга асосланган янги Ўзбекистон давлатини, эркин фуқаролик жамиятини барпо этмоқдамиз. Шу мақсадда аввало бебаҳо бойлигимиз бўлган тинчлик ва барқарорликни мустаҳкамлашга энг муҳим вазифа сифатида устувор аҳамият қаратмоқдамиз.

➡ 2

# «ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН» БОҒИ ВА МУСТАҚИЛЛИК МОНУМЕНТИ ОЧИЛДИ

**2021 йил 31 август куни истиқлолимизнинг ўттиз йиллигига бағишлаб бунёд этилган "Янги Ўзбекистон" боғи ва Мустақиллик монументининг тантанали очилиш маросими бўлди.**

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев нутқ сўзлади.

— Бугун барчамиз, кўп миллатли бутун халқимиз жонажон Ватанимиз мустақиллигининг ўттиз йиллик қутлуғ байрамининг қувончи ва шукуҳи билан яшамоқдамиз. Азал-азалдан обод шаҳар ва қишлоқлар, боғу роғлар, бетакрор маданий обидалар бунёдкори сифатида шуҳрат қозонган меҳнаткаш ва олижаноб халқимиз пандемия ва глобал иқтисодий инқироз таъсирига қарамасдан, ушбу тарихий санани муносиб меҳнат зафарлари, улкан ютуқ ва ғалабалар билан кутиб олмоқда, — деди давлатимиз раҳбари.

Ушбу боққа жорий йил 1 май куни илк кўчатлар экилган эди. Тарихчи олимлар, ижодкор зиёлилар, нуронийлар ва ёшлар билан маслаҳатлашиб, "Янги Ўзбекистон" мажмуасининг ғоявий ва меъморий ечимларига алоҳида эътибор қаратилди.

Агар юқоридан назар ташланса, боғнинг шакли улкан дарахтнинг бешта шохига ўхшайди. Бу Ҳаракатлар стратегиясининг бешта устувор йўналишини рамзий маънода ифода этади.

Бу гўзал боғда пойтахтимиз аҳолиси, барча ҳудудларимиз ва хориждан келадиган меҳмонлар яйраб дам олиши, оиласи, фарзандлари билан бирга мазмунли ҳордиқ чиқариши учун барча замонавий шароитлар яратилмоқда. Сунъий кўл, спорт майдончалари, болалар ўйингоҳлари, амфитеатр, фавворалар, савдо ва хизмат кўрсатиш объектлари, ҳунармандчилик дўконлари ташкил этилмоқда.

Боғнинг марказий қисмида муҳташам бадиий обида — Мустақиллик монументи барпо этилди.

➡ 3

# ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОННИНГ ЁРҚИН ТИМСОЛИ

**Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг «Янги Ўзбекистон» боғи ва Мустақиллик монументи очилишига бағишланган тантанали маросимдаги нутқи**

Муҳтарам ватандошлар!

Бугун барчамиз, кўп миллатли бутун халқимиз жонажон Ватанимиз мустақиллигининг ўттиз йиллик қутлуғ байрамининг қувончи ва шукуҳи билан яшамоқдамиз.

Азал-азалдан обод шаҳар ва қишлоқлар, боғу роғлар, бетакрор маданий обидалар бунёдкори сифатида шуҳрат қозонган меҳнаткаш ва олижаноб халқимиз пандемия ва глобал иқтисодий инқироз таъсирига қарамасдан, ушбу тарихий санани муносиб меҳнат зафарлари, улкан ютуқ ва ғалабалар билан кутиб олмоқда.

Мамлакатимизнинг барча ҳудудларида янги-янги корхоналар, замонавий уй-жойлар, илм-фан, таълим, тиббиёт, маданият ва спорт масканлари, равон йўл ва кўприклар, боғ ва хиёбонлар барпо этилмоқда.

Халқимиз фаровонлигини юксалтириш, ҳаёт даражаси ва сифатини янада яхшилашга қаратилган ўнлаб йирик лойиҳалар, ижтимоий дастурлар амалга оширилмоқда.

**Айни дақиқаларда барчамиз яна бир тарихий воқеа, яъни истиқлолимизнинг шонли санасига бағишлаб бунёд этилган "Янги Ўзбекистон" боғи ва Мустақиллик монументининг тантанали очилиш маросимига тўпланиб турибмиз.**

Ёдингизда бўлса, биз май ойида кенг жамоатчилик билан бирга яхши ният билан боғ ҳудудида дастлабки ниҳолларни экиб, мажмуага тамал тоши қўйган эдик.

Бугун эзгу орзу-интилишларимиз ижобат бўлиб, қисқа муддатда халқимиз, бунёдкор ватандошларимизнинг азму шижоати билан мана шу улкан майдонда муаззам боғ ва ёдгорлик комплексини барпо этишга эришдик.

Биз тарихчи олимлар, ижодкор зиёлилар, нуронийлар ва ёшларимиз билан маслаҳатлашиб, "Янги Ўзбекистон" мажмуасининг ғоявий ва меъморий ечимларига алоҳида эътибор қаратдик.

**Агар юқоридан назар ташласангиз, боғнинг шакли улкан дарахтнинг бешта шохига ўхшайди. Бу эса, Ҳаракатлар стратегиясининг бешта устувор йўналишини рамзий маънода ифода этади.**

Бу гўзал боғда пойтахтимиз аҳолиси, Тошкент вилояти ва барча ҳудудларимиздан, хориждан келадиган меҳмонлар яйраб дам олиши, оиласи, фарзандлари билан бирга мазмунли ҳордиқ чиқариши учун барча замонавий шароитлар яратилмоқда.

Бу ерда сунъий кўл, спорт майдончалари, болалар ўйингоҳлари, амфитеатр, фавворалар, савдо ва хизмат кўрсатиш объектлари, ҳунармандчилик дўконлари барпо этилди ва этилмоқда.

Мажмуа ҳудудидаги манзарали ноёб дарахтлар, гул-чечаклар одамнинг баҳридилини очади, барчамизни табиат билан ошно ва уйғун бўлиб яшашга даъват этади.

Мажмуа ёнида энг илғор технологиялар ва замонавий андозалар асосида Олимпия шаҳарчаси бунёд этилади. Бу ерда 2025 йили мамлакатимиз мезбонлик қиладиган Ёшлар ўртасидаги Осиё ўйинларининг асосий мусобақалари ўтказилади.

Бундан ташқари, ушбу ҳудудда замонавий олий таълим муассасаси, тиббиёт клиникалари, халқаро кўргазма марказлари ва бошқа объектлардан иборат бутун бир янги шаҳарча қурилмоқда.

Энг муҳими, барчангиз кўриб турганингиздек, боғнинг марказий қисмида, таъбир жоиз бўлса, унинг юрагида ўхшаши йўқ муҳташам бадиий обида — **Мустақиллик монументи** барпо этилди.

Биз бугун Ватанимиз мустақиллигининг 30 йиллик байрамини кенг нишонлаяпмиз. Лекин, аслида, Ўзбекистон ҳудудидаги миллий давлатчилик тарихи 3 минг йилдан зиёд даврни ташкил этади.

Бу жаҳон фанида эътироф этилган илмий ҳақиқатдир. Ушбу монументни яратишда ана шу концептуал ғояни ёрқин ифода этишга ҳаракат қилдик.

Маълумки, эл-юртимиз ўзининг қадимий ўтмиши давомида қанча-қанча унутилмас воқеаларни, турли синов ва қийинчиликларни, зафарли даврлар билан бирга, фожиали кунларни ҳам бошидан кечирган. Лекин бир ҳақиқатни таъкидлаш кераккки, Ватанимиз ҳудудида мавжуд бўлган ҳар бир давлатчилик тузуми, ҳар қандай ижтимоий жараён — у ғалаба ёки мағлубият бўладими, юксалиш ёки таназзул бўладими — барча-барчаси халқимиз босиб ўтган мураккаб тарихий йўлнинг узвий ва ажралмас қисмидир. Шунинг учун ҳам биз тарихимизнинг барча босқичларини яхлит ҳолда қабул қилиб, ҳар томонлама чуқур ўрганишимиз зарур.

**Ўтмишдаги ютуқ ва ғалабаларидан куч-қувват олиб, хато ва мағлубиятларидан хулоса ва сабоқ чиқариб яшайдиган халқ ўзининг тараққиёт йўли ва келажагини тўғри белгилай олади.**

Шу сабабли биз ушбу ёдгорлик тимсолида Ўзбекистонимизнинг қадимги тарихидан бошлаб то бугунги кунга қадар юз берган энг муҳим воқеаларни муҳрлашга қарор қилдик. Бой ва бетакрор меросимиз, буюк саркарда ва жаҳонгирлар, аллома ва мутафаккирлар, жадид боболаримизнинг ўлмас сиймоларини акс эттиришга интилдик.

➡ 2

# САМИМИЙ ҚУТЛОВЛАР

Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 30 йиллиги муносабати билан Президент Шавкат Мирзиёев номига хорижий давлатлар ва ҳукуматлар, нуфузли халқаро ташкилотлар раҳбарлари, taниқли жамоат ва дин арбобларидан самимий қутловлар келмоқда.

Уларда хорижий ҳамкорларимиз мамлакатимизнинг истиқлол йилларидаги юксак муваффақиятларини алоҳида қайд этган. Кейинги йилларда демократик янгиланишлар, кўп миллатли халқимиз турмуш сифати ва фаровонлигини оширишга қаратилган кенг кўламли ижтимоий-иқтисодий ислоҳотлар дастурини амалга оширишдаги натижалар, шунингдек, янги Ўзбекистоннинг минтақадаги етакчи роли эътироф этилишига ва мамлакатимиз халқаро нуфузининг мустаҳкамланишига хизмат қилаётган конструктив ва прагматик ташқи сиёсатни олиб боришдаги ютуқлар таъкидланган.

Мактубларда давлатимиз раҳбарига янги муваффақиятлар, Ўзбекистон халқига эса тинчлик-осойишталик, фаровонлик ва равнақ тилаклари изҳор этилган.

## Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Жаноби Олийларига

Жаноби Олийлари!

Мамлакатингиз мустақиллигининг 30 йиллиги муносабати билан Ўзбекистон Республикаси халқига энг эзгу тилакларимни билдиришга ижозат бергайсиз.

Ушбу мураккаб дамларда биз ҳар бир давлат умумий глобал фаровонликка эришиш йўлида ўз ҳиссасини қўшиши нақадар муҳим эканини яна бир бор англаймиз ва шу муносабат билан Сизнинг янги Ўзбекистонни барпо этиш борасидаги қатъий интилишингизни олқишлаймиз.

COVID-19 пандемияси оқибатларини енгиб ўтишда биргаликда ҳаракат қилар эканмиз, янада барқарор ва адолатли жамият барпо этиш учун тикланиш жараёнларидан фойдаланишимиз зарур. Шунингдек, иқлим ўзгаришлари соҳасидаги кечиктириб бўлмайдиган вазифаларни ҳал қилиш борасида дадил ҳаракат қилишимиз, Барқарор ривожланиш мақсадларига эришиш бўйича саъй-ҳаракатларни фаоллаштиришимиз керак.

Мустақиллик куни муносабати билан умид қиламанки, Ўзбекистон Республикаси Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг янада мустаҳкам бўлишига ҳамда барча учун янада фаровон ва янада адолатли дунёни барпо этишга бундан буён ҳам кўмаклашади.

Жаноби Олийлари, Сизга бўлган юксак ҳурмат-эҳтиромимни қабул қилинг.

**Антониу ГУТЕРРИШ,**
**БМТ Бош котиби**

## Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Жаноби Олийларига

Ҳурматли Шавкат Миромонович!

Ўзбекистон Республикаси мустақиллиги эълон қилинганининг 30 йиллиги муносабати билан самимий қутловларимни қабул қилгайсиз.

Мамлакатингиз иқтисодий ва ижтимоий тараққиёт йўлидан дадил бормоқда, жаҳон саҳнасида муносиб ҳурмат-эътиборга сазовор бўлиб, минтақавий ва халқаро ишларда конструктив роль ўйнамоқда.

Давлатларимиз ўртасидаги стратегик шериклик ва иттифоқчилик муносабатларини мустаҳкамлашга, барча йўналишларда сермаҳсул ҳамкорликни кенгайтиришга катта аҳамият қаратяпмиз. Бу Россия ва Ўзбекистоннинг дўст халқлари манфаатларига тўлиқ жавоб беради ҳамда Марказий Осиёда хавфсизлик ва барқарорликни таъминлаш мақсадига мосдир.

Сизга, муҳтарам Шавкат Миромонович, чин қалбимдан мустаҳкам соғлиқ ва муваффақиятлар, барча юртдошларингизга эса тинчлик-осойишталик, фаровонлик ва равнақ тилайман.

Ҳурмат билан,

**Владимир ПУТИН,**
**Россия Федерацияси Президенти**

# ВАТАНИМИЗ МУСТАҚИЛЛИГИ — БИЗ УЧУН КУЧ-ҚУДРАТ ВА ИЛҲОМ МАНБАИ, ТАРАҚҚИЁТ ВА ФАРОВОНЛИК АСОСИ

## Президент Шавкат Мирзиёевнинг Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг 30 йиллик байрамига бағишланган тантанали маросимдаги нутқи

1 Бугун дунёда ва минтақамизда, чегараларимизда кескинлик, турли таҳдид ва хатарлар кучайиб бораётган бир шароитда бу масаланинг қандай бекиёс аҳамиятга эга эканини ҳаммамиз яхши тушунамиз.

Давлат ва жамиятимизнинг сиёсий-ҳуқуқий пойдеворини мустаҳкамлаш, мамлакатни модернизация қилиш, бу жараёнда парламент ва сиёсий партияларнинг ролини, жамоатчилик назоратини кучайтиришга қаратилган кенг кўламли демократик ислоҳотлар жадал амалга оширилмоқда. Демократиянинг асосий талаби бўлган инсон ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини, сўз ва виждон эркинлигини таъминлашга алоҳида эътибор берилмоқда.

Республикамизда Инсон ҳуқуқлари бўйича Миллий стратегия қабул қилинди. Кўп йиллардан буён жиддий муаммо бўлиб келган мажбурий ва болалар меҳнати тўлиқ тугатилди.

Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг фуқаролик масаласи бўйича чақириғига жавобан 2020 йилнинг ўзида 50 мингдан ортиқ юртдошимизга Ўзбекистон фуқаролиги берилди.

Маълумки, мустақил ва кучли суд ҳокимияти инсон ҳуқуқлари, демократия ва қонунийликни қарор топтиришнинг асосий шартидир. Бу йўналишдаги устувор вазифаларга доир 40 дан ортиқ қонун, Фармон ва қарорлар қабул қилинди. Ҳозирги вақтда улар асосида жиддий амалий ишлар олиб борилмоқда.

Ана шундай хайрли ишларимизнинг мантиқий давоми сифатида мен куни кеча Мустақиллик байрами муносабати билан яна бир муҳим Фармонга имзо чекдим. Ушбу ҳужжатга мувофиқ, озодликдан маҳрум этиш жазосини ўтаётган, қилмишига чин кўнгилдан пушаймон бўлиб, тузалиш йўлига қатъий ўтган 215 нафар шахс афв этилиб, ўз оиласи ва яқинлари бағрига қайтиш имконига эга бўлди.

Ўзбекистон Республикаси тарихда илк бор Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Инсон ҳуқуқлари бўйича кенгаши аъзолигига сайланди. Бу эса ушбу йўналишдаги ислоҳотларимиз халқаро ҳамжамият томонидан эътироф этилаётганининг яққол тасдиғидир.

Муҳтарам юртдошлар!

Шуни алоҳида таъкидлаш зарурки, ўтган беш йиллик вақт барчамиз, бутун мамлакатимиз, халқимиз учун кескин синовлар даври бўлди. Айниқса, 2020 йили бошланган коронавирус пандемияси ва шу сабабли келиб чиққан иқтисодий инқироз глобал дунёнинг ажралмас қисми сифатида Ўзбекистон учун ҳам жиддий муаммоларни юзага келтирди.

Бирлашган Миллатлар Ташкилоти хулосасига кўра, пандемия Иккинчи жаҳон урушидан кейин дунё миқёсида юз берган энг улкан синовдир.

Ёдингизда бўлса, биз пандемия бошланган илк кунларда бу қийинчиликлардан янада тобланиб, кучли ва қудратли бўлиб чиқишни ўз олдимизга мақсад қилиб қўйган эдик. Яратганнинг инояти, эл-юртимизнинг аҳиллиги ва фидокорона меҳнати билан бу машаққатли синовларни мардона енгиб ўтмоқдамиз.

Мамлакатимизда олиб борилаётган жадал ва кенг кўламли ислоҳотлар юртимизда янги даврни — янги Ўзбекистон даврини бошлаб берди.

Бугун юртимизда тарихан қисқа фурсатда бутунлай янгича сиёсий, ижтимоий-иқтисодий, илмий-маърифий ва маданий муҳит пайдо бўлди, деб айтишга барча асосларимиз бор.

Халқаро валюта жамғармаси ва нуфузли рейтинг агентликлари таҳлилларига кўра, ҳозирги қийин ва мураккаб шароитда Ўзбекистон жаҳоннинг саноқли мамлакатлари қаторида молиявий-иқтисодий барқарорликни таъминлаш, ишлаб чиқариш тармоқларини тиклаш ва иқтисодий фаолликни оширишга эришиб келмоқда.

Мана, яқинда Америка Қўшма Штатларининг “J.P.Morgan” инвестиция банки томонидан эълон қилинган “Ўзбекистон: юксалиш йўли” номли таҳлилий ҳисоботда ҳам айни шу фикрлар баён этилган.

Шу ўринда иқтисодиётимиздаги таркибий ислоҳотлар ва асосий макроиқтисодий кўрсаткичлар ҳақида айрим маълумотларни келтириб ўтишни зарур, деб биламан.

2017 — 2020 йилларда мамлакатимизнинг иқтисодий ўсиш даражаси 18,3 фоизни ташкил этиб, ялпи ички маҳсулот 60 миллиард долларга етди. Бу ҳақда гапирганда, ташқи савдо айланмаси 2016 йилдаги 24 миллиард доллардан 2020 йилда 36 миллиард долларга кўпайганини таъкидлаш лозим. Саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш 369 триллион сўмни ташкил қилиб, 2016 йилга нисбатан 23,4 фоизга ўсди. Натижада саноат маҳсулотларининг ялпи ички маҳсулотдаги улуши 19,5 фоиздан 27,4 фоизга кўтарилди.

Иқтисодий соҳани, жумладан, божхона тартибларини либераллаштириш туфайли 2020 йилда экспорт ҳажми 15,1 миллиард долларни ташкил қилиб, 2016 йилга нисбатан 25 фоизга ўсди.

Ислоҳотларимиз самарасининг турли халқаро рейтингларда тан олиниши мамлакатимиз учун халқаро молия бозорларига чиқиш имкониятини яратди. Жумладан, жорий йилда 635 миллион долларлик ва 2,5 триллион сўмлик давлат еврооблигациялари, Ипотека банкининг 785 миллиард сўмлик ва “Ўзавтомоторс” акциядорлик жамиятининг 300 миллион долларлик корпоратив облигациялари чет эл инвесторларига сотилди.

Сармоядорларнинг мамлакатимиз иқтисодиётига бўлган ишончини кескин оширишга муваффақ бўлдик. Инвестицияларнинг умумий ҳажми қисқа муддатда 2,1 мартага, шу жумладан, хорижий инвестициялар ҳажми 3 бараварга яқин ўсгани ҳам бунинг исботидир.

Ўтган уч йил мобайнида солиқ соҳасида янги тизим жорий этилди. Солиқлар сони сезиларли даражада камайтирилди, айланма маблағдан олинадиган солиқлар бекор қилинди. Қўшилган қиймат солиғи ставкаси 20 фоиздан 15 фоизгача пасайтирилиб, ушбу солиқ занжирининг яхлит тизими яратилди.

2017 — 2020 йилларда банкларимиз капиталини 5,7 баробар ёки 5 миллиард долларгача оширишга эришдик.

Электроэнергетика, нефть-газ, коммунал соҳаларда амалга оширилган таркибий ўзгаришлар натижасида давлат бошқаруви ва хўжалик функциялари бир-биридан ажратилди, рақобат муҳитини яратиш учун муҳим қадамлар ташланди.

Айни пайтда янги-янги инфратузилма тармоқлари барпо этилди. Минглаб километр узунликдаги янги йўллар, электр ва газ тармоқлари қурилди ва таъмирланди.

Жамоат транспорти изчил ривожланмоқда. Жумладан, Тошкент шаҳрида 2 та янги метро станцияси ҳамда қарийб 12 километрлик ер усти метро линияси фойдаланишга топширилди.

“Сергели” йўналиши бўйича 6,2 километрлик қурилиш ишлари якунланди.

Айни пайтда Ўзбекистонда кўплаб йирик инвестициявий лойиҳалар амалга оширилаётганини алоҳида таъкидлаш жоиз. Шулар қаторида яқинда Олмалиқ кон-металлургия комбинатининг қиймати 2 миллиард АҚШ долларига тенг бўлган 3-мис бойитиш фабрикаси қурилишига тамал тоши қўйилганидан барчангиз хабардорсиз.

Куни кеча Навоий вилоятининг Кармана туманида 110 миллион доллар инвестиция ҳисобидан ишга туширилган қуёш электр станцияси Ўзбекистон энергетика тизимида биринчи улкан қадам бўлди.

Айни пайтда “Навоийазот” акциядорлик жамиятида иккита янги завод — азот кислотаси ҳамда аммиак ва карбамид ишлаб чиқариш корхоналари ишга туширилди. Умумий қиймати 1,5 миллиард доллар бўлган ушбу лойиҳалар эвазига “Навоийазот”да маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми 3 бараварга ошади.

Бундай муҳим воқеалар миллий саноатимиз тарихида янги давр бошланаётганидан далолат беради.

Юртимизда кичик ва хусусий бизнес субъектлари икки баробар кўпайиб, соҳада 1 миллион 400 мингта янги иш ўрни яратилди. Бу корхоналарнинг ярмидан кўпроғи кейинги уч йилда ташкил этилгани алоҳида аҳамиятга эга.

Тадбиркорлик фаолиятини эркинлаштириш мақсадида 16 та қонун, 100 дан зиёд қарор қабул қилинди. Ўтган бир йил давомида лицензия ва рухсатномаларни расмийлаштириш тартиби соддалаштирилди ҳамда уларни бериш муддатлари қисқартирилди. Тадбиркорлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш мақсадида барча текширувлар учун мораторий эълон қилинди.

Шунингдек, ўзини ўзи иш билан банд қилган аҳоли учун қулай шароит яратиш натижасида бир йилда 500 минг нафар фуқаро рўйхатдан ўтиб, фаолиятини қонуний асосда йўлга қўйди.

Тадбиркорлик соҳасидаги мана шундай ёндашув натижасида Жаҳон банкининг “Бизнесни юритиш” халқаро рейтингида Ўзбекистон беш йил ичида 141-ўриндан 69-ўринга кўтарилди. Албатта, бу жиддий кўрсаткич, аммо у ҳали бизни қониқтирмайди. Шунинг учун биз ушбу йўналишдаги ишларимизни изчил давом эттирамиз.

Хабарингиз бор, яқинда тадбиркорлар билан янги форматдаги учрашув ўтказдик. Унда мамлакатимиз бўйича 10 мингдан зиёд ишбилармонлар қатнашди. Очиқ мулоқотга тайёргарлик доирасида 15 мингдан ортиқ таклиф ва ташаббуслар атрофлича ўрганилиб, тадбиркорлар кўтарган масалалар бўйича амалий чоралар белгиланди.

Биз миллий иқтисодиётимизда ҳақиқий бозор муносабатларини жорий этиш, шу асосда мамлакатимизни тараққий эттириш учун тадбиркорларга бундан буён ҳам барча шароитларни яратиб берамиз. Нега деганда, тадбиркор — иқтисодиётнинг, ислоҳотларимизнинг асосий таянчи ва локомотивидир.

Мана шу ҳақиқатни ҳеч ким унутмаслиги керак.

Бугунги кунда замонавий иқтисодиётнинг энг истиқболли соҳаси бўлган ахборот-коммуникация технологиялари мамлакатимизда кенг жорий этилмоқда. Шу мақсадда ўнлаб IT-парклар, кичик саноат зоналари, соҳа учун мутахассислар тайёрлайдиган ўқув масканлари, иқтидорли компьютер дастурчилари учун махсус лойиҳалар ташкил этилмоқда.

Аҳолимизнинг катта қисми яшайдиган қишлоқ жойларини ривожлантириш ва обод қилиш, аграр соҳанинг самарадорлиги ва рақобатдошлигини ошириш, тармоқда янги иш ўринлари яратиш масаласи доимий эътиборимиз марказида бўлиб келмоқда.

Биз қишлоқ хўжалигида нархлар шаклланишига давлат аралашувини бекор қилдик, пахта ва ғалла етиштиришда давлат буюртмаси тугатилди. 122 та пахта-тўқимачилик кластери фаолияти йўлга қўйилиб, юқори ҳосил олишга эришилди. Қишлоқ хўжалигини молиялаш тизими қайта кўриб чиқилмоқда.

Биз ҳудудларни тармоқлар билан бирга комплекс ривожлантириш бўйича янги тизимни жорий этдик. Бунинг натижасида ҳудудларнинг молиявий имкониятлари кенгайиб, 2021 йилнинг ўзида маҳаллий дастурлар учун қўшимча 3 триллион сўм маблағ шакллантириш имконияти пайдо бўлди.

Бугун ишонч билан айта оламизки, Ўзбекистон учун глобал инқирознинг оғир дамлари ортда қолмоқда.

Иқтисодиёт тармоқларининг ривожланиш суръатини аҳолининг реал ялпи даромади 2016 йилга нисбатан 28 фоизга ўсганида ҳам кўриш мумкин.

Ҳозирги кунда номинал ҳисобланган ўртача ойлик иш ҳақи 2,7 миллион сўмни ташкил қилиб, 2016 йилга нисбатан 2,1 баробарга оширилди.

Мана, яқинда қабул қилинган Фармонга биноан, мамлакатимизда 1 сентябрдан иш ҳақи, пенсиялар, стипендия ва нафақалар миқдорини яна оширдик.

Биз бундан буён ҳам аҳолимизнинг даромади ва турмуш даражасини мунтазам яхшилаб боришга жиддий аҳамият қаратамиз.

Юртимизда ижтимоий муаммоларни ҳал этишнинг ўзига хос янги тизими яратилганидан барчангиз яхши хабардорсиз. “Темир дафтар”, “аёллар дафтари”, “ёшлар дафтари”, “меҳр дафтари”, маҳаллабай ишлаш усуллари айнан шу мақсадда жорий этилмоқда.

Ислоҳотлар доирасида қабул қилинган йирик дастурлар жамиятимизда ижтимоий муҳитни яхшилаш ва аҳоли фаровонлигини оширишга хизмат қилмоқда. Биргина “Обод қишлоқ” ва “Обод маҳалла” дастурларини оладиган бўлсак, жорий йилнинг ўзида жами 8 мингга яқин қишлоқ ва маҳаллада умумий қиймати 20 триллион сўмлик қурилиш, таъмирлаш ва ободонлаштириш ишлари олиб борилаётгани, ўйлайманки, кўп нарсадан далолат беради.

Бу ишларнинг барчаси **“Янги Ўзбекистонда эркин ва фаровон яшайлик”** деган эзгу даъват асосида амалга оширилмоқда.

Аҳолини уй-жой билан таъминлаш масаласи ҳам биз учун устувор вазифа бўлиб келмоқда. 2017 — 2020 йиллар давомида 140 мингдан зиёд арзон ва сифатли уй-жойлар бунёд этилди. Ушбу кўрсаткич 2016 йилга нисбатан қарийб 11 баробар ошди. Республикамизда ипотека тизими изчил ривожланмоқда.

Шуни таъкидлаш зарурки, юртимизда илгари ҳеч қачон бундай катта кўламдаги қурилиш ишлари амалга оширилмаган.

Оғир турмуш шароитида яшаётган оилаларнинг уй-жой бўйича бошланғич бадаллари Давлат бюджети ҳисобидан тўлаб берилмоқда. Бу йўналишдаги ишларимиз давом эттирилади, шу йилнинг ўзида яна 50 мингга яқин оила уй-жой билан таъминланади.

Қадрли дўстлар!

Давлат ва жамият тараққиёти, халқ фаровонлигини таъминлашда соғлиқни сақлаш, илм-фан, таълим-тарбия, маданият ва санъат, спорт соҳалари ҳал қилувчи ўрин тутишини ҳаммамиз яхши тушунамиз.

Бугунги кунда юртимизда тиббиёт соҳаси, унинг фаолият мазмуни тубдан ўзгармоқда, десак, янглишмаган бўламиз. Аввало, бирламчи тиббий-санитария ёрдами кўрсатишнинг сифати ва самарадорлиги, соғлом турмуш тарзи янги босқичга кўтарилди. Кўп тармоқли поликлиника ва касалхоналарнинг моддий-техника базаси, кадрлар салоҳияти мустаҳкамланмоқда.

Тез тиббий ёрдам тизими замон талаблари асосида қайта ташкил этилиб, молиявий таъминоти кучайтирилди.

2016 йилда мавжуд бўлган 800 та “Тез ёрдам” шохобчасининг сони бугунга келиб 1 минг 666 тага етказилди. Тез тиббий ёрдам бригадалари сони эса 1 минг 648 тадан 2 минг 685 тага кўпайтирилди.

Маълумки, илгари кўплаб юртдошларимиз мураккаб тиббий операцияларни ўтказиш учун чет элларга боришга мажбур эди. Кейинги йилларда тиббиёт соҳасини ривожлантиришга оид ислоҳотлар натижасида бундай амалиётлар энди ўзимизда ҳам муваффақиятли амалга оширилмоқда.

Республикамиз аҳолисига ихтисослашган тиббий ёрдам кўрсатаётган марказлар сони 2016 йилда 10 тани, уларнинг ҳудудий филиаллари эса атиги 2 тани ташкил этарди. Бугунги кунда бундай марказларнинг сони 20 тага етказилди, жойларда эса 124 та филиал фаолияти йўлга қўйилди. Бу ишни давом эттириб, жорий йилда яна қўшимча 48 та ҳудудий филиал ташкил этилади.

Ҳаммангиз кўриб турибсиз, соғлиқни сақлаш соҳасидаги ислоҳотларни ўз вақтида бошлаб, тўғри йўл танлаганимиз учун кутилмаган пандемия қаршисида саросимага тушиб қолмадик. Халқимизнинг соғлиғи ва ҳаётини асраш мақсадида зудлик билан барча тадбирларни ишлаб чиқдик. Жумладан, коронавирусга қарши курашиш учун махсус тиббий марказлар ташкил этилди. Дори-дармон ва ҳимоя воситаларининг захираси шакллантирилди.

Ҳудудларда ишга туширилган 60 та кислород станцияси тегишли шифохоналарни кислород билан узлуксиз таъминлашга хизмат қилмоқда. Мамлакатимизда вакцина ишлаб чиқариш бўйича амалий ишлар бошланди.

2021 йил учун Давлат бюджетида 3 триллион сўм захира шакллантирилиб, аҳоли соғлиғини сақлаш ва коронавирусга қарши эмлаш чораларини кўряпмиз.

Халқимизни тезкор ва самарадор, сифатли тиббий ёрдам билан таъминлашга қаратилган ислоҳотлар изчил давом эттирилади.

Азиз ватандошлар!

Атоқли маърифатпарвар бобомиз Абдулла Авлонийнинг: **“Тарбия биз учун ё ҳаёт — ё мамот, ё нажот — ё ҳалокат, ё саодат — ё фалокат масаласидир”,** деган ҳикматли сўзларини мен қайта-қайта такрорлашдан чарчамайман.

Кейинги йилларда масалага мана шундай ёндашув бизнинг ушбу соҳадаги фаолиятимиз мезонига айланди. Чиндан ҳам, агар биз таълимни ўзгартирсак, таълим инсонни ўзгартиради. Инсон ўзгарса — бутун жамиятимиз ўзгаради.

Шу боис биз узлуксиз таълимни такомиллаштириш, фарзандларимизни ҳар томонлама баркамол инсонлар этиб тарбиялаш, юқори малакали педагог кадрлар тайёрлашни тубдан яхшилашга алоҳида аҳамият қаратмоқдамиз.

Таълим-тарбиянинг бошланғич бўғини бўлган мактабгача таълим тизимидаги ўзгаришлардан ҳаммангиз яхши хабардорсиз. Соҳада ягона давлат сиёсатини юритиш мақсадида Мактабгача таълим вазирлигини ташкил этдик.

2017 йили юртимизда 5 минг 211 та боғча фаолият юритган бўлса, жорий йилда бу рақам — тасаввур қилинг — 19 минг 316 тага етди. Давлат-хусусий шериклик механизмлари ҳамда оилавий боғчаларнинг жорий этилиши, бир қатор имтиёзлар берилиши туфайли 13 мингдан зиёд нодавлат мактабгача таълим ташкилотлари фаолияти йўлга қўйилди. Ушбу ислоҳотлар натижасида биз мактабгача таълимга қамров даражасини 62 фоизга, 6 ёшдаги болалар ўртасида эса 77 фоизга етказишга эришдик.

Янги турдаги таълим масканлари, хусусан, Президент мактаблари, ижод мактаблари, ихтисослашган мактаблар фаолияти йўлга қўйилмоқда. Биргина 2020 йилни оладиган бўлсак, юртимизда математика фани бўйича 56 та, кимё-биология фани бўйича 28 та, информатика ва ахборот-коммуникация технологиялари бўйича 14 та ана шундай мактаблар ташкил этилди.

Таълим соҳасида янгича ёндашувлар фаол жорий этилмоқда. Ўзингиз айтинг, бундан тўрт-беш йил олдин республикамизда хусусий мактаб ёки боғча бўлишини тасаввур қилиш мумкинмиди?

Биз бу соҳада жаҳон тажрибасини ўрганиб, янги тартиб-қоидаларни, замонавий таълим усулларини жорий этмоқдамиз. Жумладан, хусусий мактаб очиш учун лицензия олиш тартиби соддалаштирилди. Нодавлат таълим масканлари давлат томонидан кенг қўллаб-қувватланаётгани туфайли ҳозирги вақтда уларнинг сони 195 тага етди.

Буларнинг барчаси ўз ижобий натижасини бермоқда. Буни 2017 — 2020 йилларда ўқувчиларимиз нуфузли халқаро фан олимпиадаларида 30 та медални қўлга киритгани мисолида ҳам яққол кўриш мумкин.

Ёшларни талаб юқори бўлган замонавий касб-ҳунарларга ўргатиш учун ўтган ўқув йилида 339 та касб-ҳунар мактаби, 194 та коллеж ва 195 та техникум фаолияти йўлга қўйилди.

Бугунги кунда ислоҳотларимиз талаби, ҳаётнинг ўзи олий таълим соҳасини жадал ривожлантиришни тақозо этмоқда. Шу боис юртимизда сўнгги 5 йилда 64 та янги олий таълим муассасаси ташкил этилиб, уларнинг сони 141 тага етказилди. Қабул квотаси 3 баробар оширилди.

Эндиликда битирувчи ёшларни олий таълим билан қамраб олиш даражаси 2016 йилги 9 фоиздан — шунга эътибор беринг — 28 фоизга етказилди. Яқин келгусида ушбу кўрсаткични 50 — 60 фоизга етказиш мўлжалланмоқда.

Ижтимоий ҳимояга муҳтож аҳолини, авваламбор, ёшларни қўллаб-қувватлаш доимий эътиборимиз марказида турибди. Шу мақсадда жорий йилда ногиронлиги бўлган ёшлар учун — 3 минг 155 та, Меҳрибонлик уйлари ва Болалар шаҳарчалари битирувчилари учун — 1 минг 580 та, кам таъминланган оилаларга мансуб хотин-қизлар учун — 2 мингта қўшимча қабул квоталари давлат гранти сифатида ажратилди.

Бугунги кунда янгича ва мустақил фикрлайдиган, масъулиятли, ташаббускор, ватанпарвар ёшларимиз жаҳон майдонларида турли соҳа ва йўналишларда юксак марраларни эгалламоқда.

Мана, яқинда Японияда бўлиб ўтган XXXII ёзги Олимпия ўйинларида моҳир спортчиларимиз ғолиб ва совриндор бўлиб, барчамизни қувонтирдилар.

Айни кунларда Токиода ёзги Паралимпия ўйинлари қизғин давом этмоқда. Унда иштирок этаётган Ўзбекистон жамоаси аъзолари бугунги кунга қадар 5 та олтин, 4 та кумуш, 6 та бронза медалларини қўлга киритиб, ўзларининг тенгсиз матонатини намоён этмоқдалар.

Юртимиз шарафини муносиб ҳимоя қилаётган мана шу жасоратли ўғил-қизларимизга янги муваффақиятлар ёр бўлишини тилаймиз.

Ҳурматли дўстлар!

Бугун мустақиллигимизнинг биринчи йилида туғилган болалар ўттиз ёшга — айни камолот ёшига етди. Мен мана шу навқирон ёшларимизга, азиз ўғил-қизларимга мурожаат қилиб айтмоқчиман.

Сиз истиқлол фарзандлари, озод ва эркин, ҳур фикрли инсонлар сифатида ҳаётга дадил кириб келаётганингиз биз учун энг катта бахт, катта давлатдир.

Мен ишонаман, сизлар замонавий билим ва тараққиёт чўққиларини пухта эгаллаб, биз бошлаган ишларни муносиб давом эттирасиз.

Юксак ғайрат-шижоатингиз ва фидокорона меҳнатингиз билан юртимизда янги Ўзбекистонни — Учинчи Ренессансни бунёд этишга албатта қодир бўласиз.

Ҳеч қачон бўш келманг, азиз фарзандларим! Сизларга ҳамиша бахт ва омад ёр бўлсин!

Муҳтарам ватандошлар!

Ҳаммангиз гувоҳи бўлиб турибсиз, сўнгги йилларда биз **“Халқ ва армия — бир тану бир жон”** деган эзгу тамойил асосида Қуролли Кучларимизни янада такомиллаштириш, давлатимизнинг мудофаа салоҳиятини ошириш бўйича муҳим ислоҳотларни амалга оширдик. Миллий гвардия, Мудофаа саноати давлат қўмитаси тузилди.

Соҳада замонавий кадрларни тайёрлаш, ҳарбий хизматчиларни уй-жой билан таъминлаш, уларнинг оила аъзоларини, ҳарбий пенсионерларни қўллаб-қувватлашга доимий эътибор қаратилмоқда.

Бугунги кунда миллий армиямизнинг тезкор ва ихчам, ҳар қандай таҳдидларга муносиб зарба беришга қодир жанговар кучга айланиб бораётгани бизнинг энг катта ютуғимиздир.

Албатта, армия фақат қурол ва аслаҳа билангина кучли ҳисобланмайди. Армия аввало она Ватан учун жонини ҳам аямайдиган ҳарбийлар — аскар ва сержантлар, офицер ва генераллар билан қудратлидир.

Бугун Қуролли Кучларимиз сафида Ватан ҳимоячиси бўлишни ўз ҳаётининг маъно-мазмуни деб билган ҳақиқий баҳодир, марди майдон фарзандларимиз хизмат қилмоқда. Улар Амир Темур, Жалолиддин Мангуберди, Бобур Мирзо каби буюк боболаримизнинг жанговар маҳоратини шараф билан давом эттирмоқда.

Ҳар қандай шароитда ҳам ўз бурчини виждонан бажаришга қасамёд қилган мард ва жасур посбонларимизнинг фидокорона хизматлари ва жасоратини барчамиз яхши биламиз ва юксак қадрлаймиз.

Ўз ҳаётини Ватан ҳимоясидек муқаддас ва масъулиятли ишга бағишлаган ва буни ҳар куни, ҳар дақиқада амалда исботлаётган она юрт қалқонлари бизнинг фахримиз ва ғуруримиздир.

Мамлакатимизда тинчлик ва барқарорликни мустаҳкамлаш мақсадида давлат, жамият ва шахс хавфсизлигини таъминлаш тизими тубдан ислоҳ қилинмоқда. Бунинг учун энг қуйи тизим — профилактика инспекторлари тизими замонавий тузилма сифатида шакллантирилди. Улар эндиликда маҳалла идоралари билан яқин ҳамкорликда фаолият олиб бормоқда.

Бугунги кунда 2017 йилга нисбатан жиноятлар сони 12 мингга камайгани, жорий йилнинг олти ойи якунига кўра эса, мавжуд 9 минг 251 та маҳалладан қарийб 50 фоизида биронта ҳам жиноятга йўл қўйилмаганини алоҳида таъкидлаш лозим. Бу албатта ислоҳотларимизнинг ижобий самарасидан далолат беради ва бу ишларимизни изчил давом эттиришни тақозо этади.

Қадрли тантана иштирокчилари!

Мамлакатимиз янгиланиш даврига қадам қўйган биринчи кунлардан бошлаб биз очиқ, прагматик ва амалий ташқи сиёсат юритиб келаётганимиз сизларга яхши маълум.

Ўтган қисқа даврда Ватанимизнинг минтақа ва жаҳон миқёсидаги сиёсий ўрни ва нуфузи кескин ошди. Дунёда Ўзбекистонга нисбатан ишонч руҳи ва ҳамкорликка интилиш тамойиллари кучайди.

Аввало, минтақамиздаги давлатлар билан дўстлик ва яхши қўшничилик муносабатлари йўлга қўйилди. Чегаралар очилди, одамлар қавму қариндошлари билан алоқаларини тиклаб, бир мамлакатдан иккинчи давлатга эмин-эркин бориб кела бошлади.

Жаҳон сиёсатшунослигида “Марказий Осиё руҳи” деган ибора пайдо бўлди. Халқаро майдонда минтақа номидан янги ташаббуслар илгари сурила бошланди.

Марказий Осиё давлатлари раҳбарларининг мунтазам учрашувларини ўтказиш яхши анъанага айланди. Яқинда Туркманистонда бўлиб ўтган навбатдаги Маслаҳат кенгашида ҳамкорликнинг янги, истиқболли йўналишлари белгилаб олинди.

Сўнгги кунларда ён қўшнимиз Афғонистонда юз бераётган воқеаларни ҳаммамиз ташвиш билан кузатиб турибмиз. Биз бу мамлакатда тезроқ тинчлик ва барқарорлик ўрнатилиши тарафдоримиз.

Афғонистон Марказий ва Жанубий Осиё минтақалари ўртасида ўзаро боғлиқликни мустаҳкамлашда кўприк вазифасини бажара олишига ишонамиз.

Афғонистон билан алоқаларимизда дўстлик ва яхши қўшничилик муносабатларини қўллаб-қувватлаш ҳамда ички ишларга аралашмаслик тамойилларига содиқ қоламиз.

Ушбу мамлакатда ҳокимият транзити халқаро ҳуқуқнинг умумэътироф этилган меъёрларини инобатга олган ҳолда, миллий келишув асосида тинч йўл билан амалга оширилиши ўта муҳим, деб ҳисоблаймиз.

Ўтган даврда Россия, Хитой, Жанубий Корея, Япония, Туркия, Бирлашган Араб Амирликлари ва бошқа мамлакатлар билан самарали битим ва келишувларга эришдик. Америка Қўшма Штатлари ва Ғарб давлатлари билан прагматик ҳамкорлик сари янги қадамлар ташланди.

Бирлашган Миллатлар Ташкилоти, Ислом ҳамкорлик ташкилоти, Шанхай ҳамкорлик ташкилоти, Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги каби халқаро тузилмалар билан алоқалар сифат жиҳатидан янги босқичда давом эттирилмоқда. 2019 йилда Туркий тилли давлатлар ҳамкорлик Кенгашига тўла ҳуқуқли аъзо бўлдик. Бу мамлакатимиз учун халқаро майдонда янги иқтисодий, сиёсий ва маданий имкониятлар очиб берди.

Ўзбекистон Евроосиё иқтисодий иттифоқи билан кузатувчи давлат мақомида қисқа даврда самарали алоқаларни йўлга қўйишга эришди. 2020 йилда мамлакатимиз илк бор Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлигида раислик қилди. Бу давр пандемия шароитида ўтганига қарамасдан, Ўзбекистоннинг бу борадаги фаолияти муваффақиятли ташкил этилди ва юқори баҳоланди.

Бу йил Шанхай ҳамкорлик ташкилоти раислигини қабул қилиб оламиз ва унинг келгуси йили ўтадиган Саммитига пухта тайёргарлик кўряпмиз.

Иқтисодий дипломатия воситаларидан самарали фойдаланиш республика экспорти ва инвестициялар оқимига ижобий таъсир кўрсатмоқда.

Чет эллардаги ватандошларимизни қўллаб-қувватлашга, улар билан самарали ҳамкорлик қилишга катта эътибор берилмоқда. Улар республикамиздаги ижтимоий-иқтисодий жараёнларга жалб қилинмоқда. Яқинда ана шундай муҳим вазифалар билан бевосита шуғулланадиган “Ватандошлар” жамоат фондини ташкил этганимиздан барчангиз хабардорсиз.

Айни пайтда узоқ-яқиндаги барча тараққийпарвар мамлакатлар билан ўзаро дўстлик ва ҳамкорлик муносабатларини мустаҳкамлаш бизнинг устувор мақсадимиз бўлиб қолади.

Бугунги қувончли кунда биз билан даврамизда ўтирган хорижий давлатларнинг муҳтарам элчиларига, халқаро ташкилотлар вакилларига, чет эллик шерикларимизга, Ўзбекистоннинг барча дўстларига тинчлик ва равнақ тилаймиз. Хусусан, тантанамизда иштирок этаётган Франция Сенатининг ҳурматли вакилларига чуқур эҳтиромимизни билдирамиз.

Ҳурматли юртдошлар!

Ҳаммангизга яхши маълумки, шу йил 24 октябрь куни мамлакатимизда Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови бўлиб ўтади.

Сўнгги беш йил мобайнида мамлакатимиз миллий сайлов қонунчилигида жиддий ўзгаришлар юз берди. Нуфузли халқаро экспертлар таъкидлаганидек, янги Ўзбекистонда сайлов қонунчилигини изчил такомиллаштириш ҳамда сайловларни ўтказиш амалиёти сифат жиҳатидан янги поғонага кўтарилди.

Бу галги Президент сайлови илк бор 2019 йилнинг 25 июнида қабул қилинган Сайлов кодекси асосида бўлиб ўтади.

Бу сайлов барчамиз учун Ўзбекистоннинг келгуси тараққиёти қандай йўлдан боради, фарзандларимиз, оиламиз, мамлакатимиз келажагини қандай барпо этамиз, деган ҳал қилувчи саволларга жавоб берадиган ғоят муҳим сиёсий тадбирдир. Шунинг учун ушбу сиёсий жараёнга кўп миллатли халқимиз ҳам, жаҳон ҳамжамияти ҳам катта қизиқиш ва эътибор билан қарамоқда.

Сайловда дунёнинг 50 га яқин мамлакати ҳамда ўнлаб халқаро ташкилотлардан кузатувчилар иштирок этиши кутилмоқда.

Шу маънода, бўлғуси сайловлар юксак демократик мезонлар асосида ўтади ҳамда янги Ўзбекистон халқининг ўсиб бораётган сиёсий тафаккурини, ижтимоий фаоллиги ва маданий савиясини яққол намоён этади, деб ишонаман.

Азиз ва муҳтарам ватандошларим!

Биз кейинги йилларда белимизни маҳкам боғлаб, миллий манфаатларимизни таъминлаш, халқимизни рози қилиш йўлида сидқидилдан меҳнат қилиб, ғоят муҳим натижаларни қўлга киритмоқдамиз.

Энг асосий натижа — бошлаган ислоҳотларимиз ортга қайтмайдиган муқаррар тус олганида, бугунги жамиятимизнинг маънавий уйғонишида намоён бўлмоқда.

Маънавий уйғоқ жамиятни, ўз олдига улкан вазифалар қўйиб, келажак сари ишонч билан бораётган халқни ҳеч ким ўз йўлидан тўхтата олмайди. Бундай халқни Яратганимиз ҳам қўллаб-қувватлайди, доимо йўлини очиб беради.

Бугун миллион-миллион ватандошларимизнинг онгу тафаккури ўзгариб, улар ислоҳотлар жараёнига ўзини бевосита дахлдор деб билмоқда, бу ўзгаришларнинг фаол иштирокчисига айланмоқда.

**Бугун биз ягона халқ, ягона миллат бўлиб, кўзлаган юксак мақсадларимиз сари дадил бормоқдамиз. Вужудимизда, қонимизда аждодларимиздан мерос буюк қудрат жўш ураётган экан, биз эзгу орзу ва мақсадимиз бўлмиш янги Ўзбекистонни албатта бунёд этамиз. Ўзбекистон ҳар томонлама обод ва фаровон, эркин демократик мамлакатга айланади.**

Мен сиз, азизларни, миллати, тили ва динидан қатъи назар, барча юртдошларимизни ана шундай улуғ ва шарафли сафда — янги Ўзбекистон бунёдкорлари сафида кўриб турганимдан бахтиёрман.

**Орадан ҳали қанча йиллар, асрлар ўтади. Юртимизда янги-янги авлодлар дунёга келади. Миллий давлатчилигимизни тиклаб, бизга тараққиёт ва фаровонликка эришиш йўлида мана шундай бекиёс имкониятларни яратиб берган истиқлолимиз жонажон Ватанимизнинг шонли тарихида ҳамиша энг ёрқин, ўчмас саҳифа бўлиб қолади.**

Фурсатдан фойдаланиб, сиз қадрдонларимни, мўътабар нуронийларимиз, меҳрибон опа-сингилларимиз, азму шижоатли ёшларимизни, бутун халқимизни Мустақиллик байрами билан яна бир бор чин қалбимдан самимий табриклайман.

**Мана шу муборак айёмда барча ютуқларимизнинг бунёдкори бўлган меҳнаткаш, мард ва саховатли, бағрикенг ва олижаноб халқимизга фарзандлик меҳри билан таъзим қиламан.**

Барчамизни оқ ювиб, оқ тараб вояга етказган она халқимиз доимо омон бўлсин!

Юртимизда яшаётган ҳар бир оила, ҳар бир инсон эзгу мақсадларига етсин!

Мустақиллигимиз абадий бўлсин!

Эътиборингиз учун раҳмат.

# ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОННИНГ ЁРҚИН ТИМСОЛИ

## Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг «Янги Ўзбекистон» боғи ва Мустақиллик монументи очилишига бағишланган тантанали маросимдаги нутқи

1 Ўзбекистоннинг собиқ мустабид тузум давридаги оғир ва машаққатли ҳаёти, қатағон сиёсати, халқимизнинг Иккинчи жаҳон урушида кўрсатган жасорат ва матонати таъсирчан лавҳаларда ўз ифодасини топди. Ғоят қийин ва мураккаб шароитда республикамиз равнақини, халқимизнинг тинчлиги ва омонлигини ўйлаб, ўзини аямасдан хизмат қилган атоқли давлат арбобларимиз фаолияти ҳам атрофлича ёритилди.

Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти Ислом Абдуғаниевич Каримов раҳбарлигида халқимизнинг миллий мустақилликка эришиш йўлини акс эттириш эътибор марказига қўйилди.

Бу бетакрор ёдгорлик юртимизда янги Ўзбекистонни — Учинчи Ренессанс пойдеворини яратиш ғояси билан уйғун ҳолда барпо қилингани айниқса аҳамиятлидир.

Улуғвор Мустақиллик монументи тимсолида биз тарих, бугунги замон ва келажак тушунчаларини ўзаро уйғун ҳолда намоён этишга алоҳида эътибор қаратдик.

Миллий давлатчилигимизнинг рамзи бўлган Соҳибқирон Амир Темур салтанатининг мовий гумбази, юлдузлар оламига қараб юксалган Мирзо Улуғбек расадхонаси, дунё илм-фани ва цивилизациясига бекиёс ҳисса қўшган улуғ мутафаккир боболаримизнинг энг нодир илмий кашфиётлари ўзининг бор маҳобати ва шукуҳи билан кўз олдимизда яққол намоён бўлиб турибди.

Тинчлик ва эркинлик, эзгулик ва фаровонлик тимсоли бўлган, кўкда мағрур парвоз қилаётган Ҳумо қуши тасвири монументнинг энг юқори қисмида — бамисоли унинг гултожи бўлиб ўрин эгаллади.

Бир сўз билан айтганда, **Мустақиллик монументи она Ватанимиз, мард ва жасур, тинчликсевар ва меҳнаткаш, қаҳрамон халқимиз шарафига бунёд этилган буюк обида сифатида қад ростлади**.

Монумент пойига битилган: **“Халқимиз тарихида эзгу из қолдирган барча аждодларимиз доимо қалбимизда”** деган чуқур маъноли сўзлар ота-боболаримиз хотирасига бугунги авлодларнинг юксак ҳурмат ва эҳтиромини англатади.

Мана шундай ишларимизнинг давоми сифатида “Янги Ўзбекистон” боғига яқин ҳудудда замонавий халқаро аэропорт қурилмоқда.

Келгусида хориждан ташриф буюрадиган юксак мартабали меҳмонлар аввало мана шу монументни зиёрат қилиб, халқимиз ва давлатимизга ҳурмат бажо келтиради.

Бундан буён Наврўз, Мустақиллик каби қутлуғ байрамларимиз, катта оммавий давлат тадбирларини, турли сайил-томошаларни барча замонавий шароитларга эга бўлган шу гўзал масканда ўтказамиз.

Айтиш керакки, бугун қалбларимизда чексиз қувонч ва ҳайрат уйғотаётган “Янги Ўзбекистон” боғини қисқа вақт ичида, айниқса, пандемия шароитида барпо этиш осон бўлгани йўқ. Лекин, барча қийинчиликларга қарамасдан, қўлигул қурувчи ва меъморлар, муҳандис ва боғбонлар, моҳир ҳайкалтарош ва рассомлар, турли соҳа мутахассислари, раҳбар ва етакчилар, азамат ёшларимиз туну кун фидокорона меҳнат қилиб, ушбу бетакрор мажмуани эл-юртимизга байрам совғаси сифатида тортиқ этдилар.

Фурсатдан фойдаланиб, бу том маънодаги тарихий ишга ҳисса қўшган барча юртдошларимизга, чет эллик ҳамкорларимизга ўз номимдан, халқимиз номидан чуқур миннатдорлик билдиришга рухсат бергайсиз.

**Ҳеч шубҳасиз, ушбу мажмуа халқимиз, аввало, ёш авлодимиз учун Ватанга муҳаббат ва садоқат тимсолига, қутлуғ зиёратгоҳ, ўзига хос ноёб маданият ва маърифат, тарбия марказига айланиб қолади.**

Бу ерга қадам қўйган ҳар бир инсон нафақат яйраб ҳордиқ чиқаради, балки аввало ўзи учун бекиёс ибрат, маънавий куч олади, деб ишонаман.

“Янги Ўзбекистон” боғи, Мустақиллик мажмуаси ҳаммамизга, бутун халқимизга муборак бўлсин!

Юртимизда мана шундай гўзал ва бетакрор масканлар янада кўпайсин!

Мана шундай улуғ ишлар бунёдкори бўлган мард ва танти, меҳнаткаш халқимиз доимо омон бўлсин!

Барча эзгу ишларимизда Яратганнинг ўзи мададкор бўлсин!

Эътиборингиз учун раҳмат.

# САМИМИЙ ҚУТЛОВЛАР

### Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Жаноби Олийларига

Ҳурматли Президент жаноблари!

Хитой Халқ Республикаси Ҳукумати ва халқи номидан ҳамда шахсан ўз номимдан Сизга ва дўст Ўзбекистон халқига Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг 30 йиллиги муносабати билан самимий табрикларим ва энг эзгу тилакларимни билдиришга ижозат бергайсиз.

Мустақиллик қўлга киритилганидан буён ўтган 30 йилда Ўзбекистонда улкан ўзгаришлар рўй берди, халқ турмуш даражаси юксалди, республиканинг халқаро нуфузи кундан-кунга ортиб борди.

Сиз, Президент жаноблари, давлат раҳбари лавозимига киришганингиздан сўнг улкан муваффақиятларга эришдингиз, ислоҳотлар бўйича кенг кўламли кампанияни қатъий илгари суриб, янги тараққиёт режасини ишлаб чиқдингиз.

Янги Ўзбекистонни барпо этиш ишлари жадаллашмоқда, Марказий Осиёнинг барқарорлиги ва тараққиётига ижобий руҳ бағишламоқда. Хитой Ўзбекистонни унинг миллий шарт-шароитларига мос келувчи тараққиёт йўлидан боришда бундан буён ҳам қўллаб-қувватлайди ҳамда унинг миллий тараққиёт ва миллий тикланиш сари саъй-ҳаракатларида елкадош бўлишга тайёр.

Жорий йил апрель ойида биз сермазмун ва дўстона руҳда мулоқот қилдик, Хитой — Ўзбекистон стратегик ҳамкорлигини ҳар томонлама кенгайтириш бўйича янги ва муҳим келишувларга эришдик.

Мен Хитой — Ўзбекистон муносабатларини ривожлантиришга катта эътибор қаратмоқдаман, Сиз билан ишчан муносабатларимиз ва шахсий дўстлигимизни юксак қадрлайман. Хитой ва Ўзбекистон ўртасидаги ҳар томонлама стратегик шерикликни икки мамлакат ва халқ фаровонлиги йўлида доимий равишда ривожлантириш учун Сиз билан биргаликда ишлашга тайёрман.

Дўст Ўзбекистонга равнақ ва куч-қудрат, унинг халқига бахт-саодат ва фаровонлик тилайман.

**Си ЦЗИНЬПИН,**
**Хитой Халқ Республикаси Раиси**

### Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Жаноби Олийларига

Ҳурматли Президент жаноблари!

Америка халқи номидан Сизни ва Ўзбекистон халқини мамлакатингиз мустақиллигининг 30 йиллиги билан табриклайман. Америка Қўшма Штатлари Ўзбекистоннинг суверенитети, мустақиллиги ва ҳудудий яхлитлигининг қатъий тарафдори бўлиб келган ва шундай бўлиб қолади.

Кейинги йилларда муносабатларимиз анча кенгайди, биз стратегик шериклигимиз ҳамда тинч, ўзаро боғланган ва барқарор минтақани асраш йўлидаги ҳамкорлигимиз чуқурлашишига умид қиламиз.

Шу билан бирга, бутун дунёда COVID-19 га қарши кураш давом этмоқда, яқинда Америка Қўшма Штатлари томонидан COVAX дастури доирасида «Moderna» вакцинасининг 3 миллион дозаси етказиб берилгани Ўзбекистондаги вазиятнинг яхшиланишига салмоқли ижобий таъсир кўрсатишига умид билдираман.

Қўшма Штатлар Сизнинг ушбу ташаббуслар доирасидаги шериклигингизни қадрлайди. Муносабатларимиз келажакда янада ривожланишига умид қиламиз.

Самимият ила,

**Жозеф БАЙДЕН,**
**Америка Қўшма Штатлари Президенти**

### Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Жаноби Олийларига

Ҳурматли Шавкат Миромонович!

Ўзбекистон Республикаси учун энг муҳим тарихий воқеа — Мустақилликнинг 30 йиллиги муносабати билан самимий қутловларим ва энг эзгу тилакларимни қабул қилинг.

Кейинги йилларда мамлакатингиз сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий тараққиётда юксак чўққиларни эгаллади ва халқ фаровонлигини оширишда салмоқли муваффақиятларга эришди. Мамлакатингизда кучли ва самарали давлат барпо этиш, миллий давлатчиликни мустаҳкамлаш ва халқаро майдондаги нуфузини юксалтиришга қаратилган модернизация жараёни жадал давом этмоқда.

Сизнинг ташаббусингиз билан юртингизда рўй бераётган кўплаб ижобий ўзгаришлар таҳсинга сазовор. Улар нафақат Ўзбекистон учун, балки Марказий Осиё ва бутун дунё учун ифтихор манбаи бўлиб хизмат қилмоқда.

Мамлакатларимиз ўртасидаги дўстлик ва яхши қўшничилик ришталари икки томонлама ҳамкорлигимизга чинакам ёрқин мисолдир. Ушбу муносабатлар мисли кўрилмаган даражага кўтарилиши ва ҳар томонлама стратегик шериклик руҳида ривожланишда давом этишига ишонаман.

Ўртамиздаги дўстлик бардавом бўлишига ҳамда яқин орада Сиз билан учрашишимга умид билдираман.

Ушбу файзли дамларда Сизга, ҳурматли Шавкат Миромонович, мустаҳкам соғлиқ, масъулиятли фаолиятингизга омад, қардош Ўзбекистон халқига эса фаровонлик ва равнақ тилайман.

Ҳурмат билан,

**Нурсултон НАЗАРБОЕВ,**
**Қозоғистон Республикасининг Биринчи Президенти — Элбоши**

### Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Жаноби Олийларига

Муҳтарам Шавкат Миромонович!

Қадрли қардошим!

Туркманистон халқи ва Ҳукумати номидан ҳамда шахсан ўз номимдан Сизга ва Сиз орқали бутун Ўзбекистон Республикасининг қардош халқига мамлакатингиз мустақиллигининг 30 йиллиги муносабати билан самимий табрикларим ва энг эзгу тилакларимни йўллаш мен учун катта шараф.

Бугун Сизнинг оқилона раҳбарлигингизда Ўзбекистон Республикаси ҳаётнинг барча жабҳаларида дадил тараққий этмоқда ва равнақ топмоқда. Мамлакатингиз учун қутлуғ айёмни ижтимоий-иқтисодий ривожланишда, халқ фаровонлигини оширишда, халқаро майдондаги нуфузни мустаҳкамлашдаги чинакам улкан муваффақиятлар билан қарши олмоқда.

Бугунги кунда яхши қўшничилик, дўстлик ва ўзаро кўмак тамойилларига асосланган Туркманистон — Ўзбекистон муносабатлари янада жадал ва изчил, ўзаро ишонч, тенг ҳуқуқлилик ва очиқлик руҳида ривожланаётганини катта мамнуният билан қайд этмоқчиман.

Яқинда "Аваза" миллий туризм зонасида ўтган Марказий Осиё давлатлари раҳбарларининг Маслаҳат учрашуви доирасидаги мулоқотимизни алоҳида илиқлик билан эслайман. Ўша учрашувда мамлакатларимиз ўртасидаги кўп қиррали ҳамкорликни муттасил кенгайтириш ва мустаҳкамлашга интилишимиз қатъий экани яна бир бор тасдиқланди. Туркманистон ва Ўзбекистон ўртасидаги стратегик аҳамиятга эга биродарлик муносабатлари биргаликдаги саъй-ҳаракатларимиз билан бундан буён ҳам халқларимиз фаровонлиги йўлида ривожланиб, мустаҳкамланишига қатъий ишонаман.

Ушбу фурсатдан фойдаланиб, Сизга, муҳтарам Шавкат Миромонович, мустаҳкам соғлик, бахт-саодат ва фаровонлик, биродар Ўзбекистон Республикаси халқига эса тинчлик-осойишталик, бардавом тараққиёт ва равнақ тилайман.

Чуқур ҳурмат билан,

**Гурбангули БЕРДИМУҲАМЕДОВ,**
**Туркманистон Президенти**

### Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Жаноби Олийларига

Ҳурматли Шавкат Миромонович!

Барча қозоғистонликлар номидан ва ўз номимдан Сизни ва бутун Ўзбекистон халқини муҳим тарихий сана — Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 30 йиллиги билан дилдан қутлайман.

Ушбу қутлуғ воқеани биродар Ўзбекистон миллати жипс, иқтисодий тараққиёт суръатлари юқори, халқаро майдонда муносиб ҳурмат-эътиборга сазовор бўлган кучли ва тараққий этган давлат сифатида кутиб олмоқда.

Ҳеч шубҳасиз, ўзбек халқи, Сизнинг бунёдкор сиёсатингизни қатъий қўллаб-қувватлаб ва кенг кўламли ислоҳотларни муваффақиятли рўёбга чиқариб, барқарор тараққиёт йўлини давом эттиради.

Ўтган уч ўнйилликда Қозоғистон ва Ўзбекистон халқларимизнинг туб манфаатларидан келиб чиққан ва кўп асрлик дўстлик ва яхши қўшничилик ришталарини мустаҳкамлаган ҳолда чинакам стратегик шериклик муносабатларини йўлга қўйгани мамнуният бағишлайди.

Сиз билан биргаликдаги ишларимиз бундан буён ҳам Қозоғистон ва Ўзбекистон ўртасидаги ҳамкорликнинг улкан салоҳиятини ҳам икки томонлама даражада, ҳам минтақавий ва халқаро кооперация доирасида тўлиқ амалга оширишга хизмат қилади.

Ушбу тантанали кунда Сизга, муҳтарам Шавкат Миромонович, масъулиятли давлат лавозимидаги фаолиятингизга янги муваффақиятлар, биродар Ўзбекистон халқига эса фаровонлик ва равнақ тилайман.

Ҳурмат билан,

**Қосим-Жомарт ТОҚАЕВ,**
**Қозоғистон Республикаси Президенти**

### Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Жаноби Олийларига

Қадрли Шавкат Миромонович!

Сизни ва Ўзбекистон Республикасининг бутун халқини тарихий юбилей — мамлакатингиз мустақиллигининг ўттиз йиллиги билан самимий муборакбод этаман.

Сизга мустаҳкам соғлиқ, бахт-саодат ва янги зафарлар, биродар ўзбек халқига тинчлик, барқарорлик, фаровонлик ва бардавом тараққиёт тилайман.

Мустақиллик йилларида Ўзбекистон ўз давлатчилигини барпо этишда, ижтимоий-иқтисодий тараққиётда ва халқаро майдондаги нуфузини мустаҳкамлашда салмоқли муваффақиятларга эришди. Юртингиз бугун ҳам шу йўлдан дадил олдинга бормоқда, Сизнинг, ҳурматли Шавкат Миромонович, раҳбарлигингиз остида халқ турмуш шароитларини ҳар томонлама яхшилаш ва фаровонлигини яхшилашга қаратилган муҳим янгиланишларни изчил амалга оширмоқда. Яхши дўст ва қўшни сифатида Тожикистонни биродар Ўзбекистоннинг шу каби ютуқлари хурсанд қилади.

Ушбу қулай имкониятдан фойдаланиб, Тожикистон ва Ўзбекистон ўртасидаги дўстлик, яхши қўшничилик ва ўзаро манфаатли ҳамкорлик муносабатларини стратегик шериклик форматида изчил ривожлантириш ва кенгайтиришдан манфаатдор эканимизни таъкидламоқчиман.

Конструктив мулоқотимиз ва яқин саъй-ҳаракатларимизни ўзаро англашув, ишонч ва ҳурмат руҳида давом эттиришимиз бундан буён ҳам икки давлат ўртасидаги ҳаётбахш муносабатларни биродар халқларимизнинг туб манфаатларига мувофиқ ҳолда янада ривожлантиришга хизмат қилишига ишонаман.

Самимият ила,

**Эмомали РАҲМОН,**
**Тожикистон Республикаси Президенти**

### Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Жаноби Олийларига

Ҳурматли Шавкат Миромонович,

Сизни ва биродар Ўзбекистон халқини Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 30 йиллиги билан самимий қутлайман.

Мустақилликка эришганидан буён Ўзбекистон Республикаси ижтимоий-иқтисодий ислоҳотларни амалга ошириш, кучли ва барқарор демократик давлат барпо этиш йўлидан фаол қадамлар ташламоқда. Ўзбекистон хорижий мамлакатлар билан ҳар томонлама ҳамкорликни мустаҳкамлашда катта муваффақиятларга эришди ҳамда халқаро ва минтақавий муаммоларга қўшган ҳиссаси учун жаҳон майдонида муносиб ўрин эгаллади.

Шубҳасиз, бу ютуқлар Сизнинг, ҳурматли Шавкат Миромонович, ислоҳотчи сифатидаги қатъий саъй-ҳаракатларингиз натижасидир. Биз Қирғизистонда мамлакатларимиз ўртасидаги муносабатларни ривожлантиришга қаратилган саъй-ҳаракатларингизни ва уларни мустаҳкамлашга қўшган катта ҳиссангизни юксак қадрлаймиз.

Бугунги кунда икки мамлакат ҳамкорлиги сифат жиҳатидан янги, стратегик шериклик даражасига чиқди. Муносабатларимизни янада кенгайтириш ва мустаҳкамлашга, бир-биримизни халқаро майдонда қўллаб-қувватлашга, замонавий таҳдид ва хатарларга биргаликда курашишга тайёр эканимизни алоҳида қайд этмоқчиман.

Анъанавий дўстлик муносабатларига асосланган ҳамкорлигимиз бундан буён ҳам кенгайиб боришига қатъий ишонаман.

Ушбу ёқимли имкониятдан фойдаланиб, Сизга, ҳурматли Шавкат Миромонович, мустаҳкам соғлиқ, масъулиятли давлатчилик фаолиятингизга муваффақиятлар, биродар Ўзбекистон халқига эса тинчлик-осойишталик, фаровонлик ва равнақ тилайман.

Ҳурмат билан,

**Садир ЖАПАРОВ,**
**Қирғиз Республикаси Президенти**

### Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Жаноби Олийларига

Муҳтарам Президент Жаноби Олийлари,

Азиз биродарим,

Ўзбекистон Республикасининг Мустақиллик байрами муносабати билан Сиз, Жаноби Олийларини ва бутун ўзбек халқини халқим ва шахсан ўз номимдан энг самимий туйғуларим билан табриклайман.

Дўст ва қардош Ўзбекистон Республикаси Сиз, Жаноби Олийлари бошчилигида амалга оширилган ислоҳотлар таъсирида фаровонлик ва барқарорлигини ошириб, минтақанинг тинчлиги ва равнақига ҳам ўз ҳиссасини қўшмоқда.

Туркия ва турк халқи Ўзбекистоннинг ва ўзбек биродарларининг бу саъй-ҳаракатларида кеча бўлганидек бугун ҳам, эртага ҳам елкадош бўлишда давом этади.

Мамлакатларимиз ўртасидаги мустаҳкам қардошлик ришталарига асосланган алоқаларимизга барпо этилган стратегик шерикликни қисқа вақт ичида Сиз, Жаноби Олийлари билан бирга мисли кўрилмаган даражага юксалтирдик. Бу даражани сақлаш учун ва янада юксакларга кўтариш учун кучли ирода мавжуд эканлигини кўришдан жуда мамнунман.

Шу фурсатдан фойдаланиб, Сиз, Жаноби Олийларига, соғлиқ ва бахт, дўст ва қардош ўзбек халқига фаровонлик ва омонлик тилайман.

**Режеп Таййип ЭРДОҒАН,**
**Туркия Республикаси Президенти**

### Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Жаноби Олийларига

Ҳурматли Президент жаноблари!

Ўз номимдан ва Озарбайжон халқи номидан Сизни ва Сиз орқали бутун халқингизни биродар Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 30 йиллиги муносабати билан дилдан муборакбод этаман.

Сизнинг оқилона сиёсатингиз натижасида ижтимоий-иқтисодий ва бошқа соҳаларда эришилган салмоқли ютуқлар биродар давлат сифатида бизни жуда мамнун этмоқда.

Ўзаро ишонч ва кўмакка асосланган бугунги Озарбайжон — Ўзбекистон муносабатлари бизга катта мамнуният бағишлайди. Уларда сиёсий, иқтисодий ва маданий алоқаларнинг ҳар томонлама ривожланиши кузатилмоқда.

Мамлакатларимиз ўртасидаги муносабатлар ҳам икки томонлама, ҳам кўп томонлама шаклда бундан буён ҳам мустаҳкамланиб боришига, биз амалга ошираётган биргаликдаги саъй-ҳаракатлар халқларимиз фаровонлигига хизмат қилишига ишонаман.

Ушбу муҳим кунда Сизни яна бир бор қутлайман, биродар Ўзбекистонга тинчлик-осойишталик ва равнақ тилайман.

Ҳурмат билан,

**Илҳом АЛИЕВ,**
**Озарбайжон Республикаси Президенти**

### Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Жаноби Олийларига

Жаноби Олийлари,

Сизга ва дўст Ўзбекистон халқига Ўзбекистон мустақиллигининг 30 йиллиги муносабати билан самимий табрикларимни етказишдан мамнунман.

Ҳиндистон ва Ўзбекистонни чуқур тарихий ва цивилизацион алоқалар боғлаб туради. Ўтган йиллар мобайнида икки томонлама муносабатларимиз бир неча соҳаларни қамраб олди, ахборот технологиялари, космос, атом энергетикаси, ривожланиш учун шериклик, соғлиқни сақлаш, таълим, фан ва техника ҳамда маданият шулар жумласидан. Бизнинг стратегик шериклигимиз кўп қиррали алоқаларимизни янада диверсификация қилиш ва кенгайтиришга қаратилган.

Бизнинг Бирлашган Миллатлар Ташкилоти, "Ҳиндистон — Марказий Осиё" мулоқоти ва Шанхай ҳамкорлик ташкилотидаги ҳамкорлигимиз кўп томонлама анжуманларда позицияларимиз ўхшашлигини намоён этмоқда. Ишончим комилки, Ҳиндистон ва Ўзбекистон биргаликда минтақамиз олдида турган умумий муаммоларни ҳал қилишда ўз ҳиссасини қўшади.

Фурсатдан фойдаланиб, Сиз, Жаноби Олийларига сиҳат-саломатлик, бахт-саодат ва барча ишларингизда муваффақиятлар тилаб қоламан.

Жаноби Олийлари, Сизга бўлган юксак ҳурматимни қабул қилгайсиз.

**Нарендра МОДИ,**
**Ҳиндистон Республикаси Бош вазири**

### Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Жаноби Олийларига

Жаноби Олийлари,

Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 30 йиллиги муносабати билан Покистон халқи ва шахсан ўз номимдан Сизга қизғин табрикларимни йўллаш менга катта мамнуният бахш этади.

Покистон ва Ўзбекистон ўртасидаги дўстлик ришталари кўп асрлик диний, маданий ва тарихий муштаракликка асосланган. Покистон Ўзбекистон билан барча соҳаларда икки томонлама ҳамкорликни кучайтиришга катта аҳамият беради.

Яқинда гўзал мамлакатингизга амалга оширган ташрифим давомида биз икки томонлама масалалар юзасидан батафсил фикр алмашдик. Сизни ишонтириб айтаманки, менинг ҳукуматим мамлакатларимиз ўртасидаги биродорона дўстлик алоқалари ва ҳамкорликни кенгайтиришдан манфаатдордир.

Фурсатдан фойдаланиб, Сиз Жаноби Олийларига мустаҳкам соғлиқ ва улкан ютуқлар, Ўзбекистоннинг биродар халқига эса бардавом тинчлик, равнақ ва фаровонлик тилайман.

Жаноби Олийлари, юксак эҳтиромимни қабул қилгайсиз.

**Имрон ХОН,**
**Покистон Ислом Республикаси Бош вазири**

### Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Жаноби Олийларига

Жаноби Олийлари!

Сизни ва бутун ўзбек халқини Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 30 йиллиги билан чин қалбимдан муборакбод этишга ижозат бергайсиз.

Мамлакатларимиз ўртасидаги алоҳида стратегик шериклик янада ривожланишига умид қиламан ҳамда халқларимиз дўстлиги ва ўзаро алмашинувлари янада мустаҳкамланишини истайман.

Сизга, Президент жаноблари ва рафиқангизга мустаҳкам соғлиқ ва бахт-саодат, Ўзбекистон Республикасига эса чексиз равнақ тилайман.

**Мун Чжэ ИН,**
**Корея Республикаси Президенти**

### Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Жаноби Олийларига

Сизни Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 30 йиллиги муносабати билан чин қалбимдан қутлайман.

2019 йил декабрь ойида Сизнинг Японияга биринчи расмий ташрифингиз бўлиб ўтди. Жорий йил май ойида ўтган телефон орқали мулоқотимиз ташрифнинг мантиқий давоми бўлди. Суҳбатимиз давомида Япония ва Ўзбекистон ўртасидаги узоқ тарихга эга дўстликнинг аҳамиятини, стратегик шерикликни янада мустаҳкамлаш ва кенгайтиришга тайёр эканимизни тасдиқлаганимиздан жуда хурсандман.

Япония ҳукумати Ўзбекистоннинг ривожланишига изчил кўмаклашиш ва Сизнинг раҳбарлигингизда олиб борилаётган ислоҳотларни қўллаб-қувватлаш ниятида.

Сизнинг Японияга ташрифингиз доирасида эришилган келишувлар асосида мамлакатларимиз ўртасидаги ҳамкорлик барча соҳаларда ривожланишига ишонаман.

Токиодаги Олимпия ва Паралимпия ўйинларига тайёргарлик кўриш ва уларни ўтказишда кўрсатган катта ёрдамингиз учун Сизга самимий миннатдорлик билдираман. Ушбу тадбирларда ўзбекистонлик спортчилар эришган муваффақиятлар билан Сизни қутлайман.

Фурсатдан фойдаланиб, Сизга мустаҳкам соғлиқ, фаолиятингизга катта муваффақиятлар, Ўзбекистонга бардавом равнақ тилайман.

Ҳурмат билан,

**Ёсихидэ СУГА,**
**Япония Бош вазири**

### Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Жаноби Олийларига

Президент жаноблари!

Ушбу алоҳида аҳамиятга эга кун — Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 30 йиллиги муносабати билан Сизга ва халқингизга самимий табрикларимни йўлламоқдаман.

Коронавирус пандемияси оқибатлари Сиз томондан Ўзбекистонда бошланган ислоҳотлар сиёсатига салбий таъсир кўрсатди. Шу билан бирга мамлакатингиз ушбу инқирозли даврда иқтисодий барқарорликни сақлаб қолгани амалга оширилган ислоҳотлар сезиларли самара бераётганини кўрсатиб турибди. Бу Ўзбекистон учун ислоҳотларни янада фаол илгари суришда рағбат бўлишига умид қиламан. Бу жараёнда Германия Ўзбекистонни бажонидил қўллаб-қувватламоқда. Мамлакатларимиз ўртасида икки томонлама дипломатик муносабатлар ўрнатилганининг 30 йиллиги муносабати билан келгуси йилга режалаштирилган тантана ва тадбирларни алоҳида мамнуният билан кутмоқдаман.

Сизга ҳар томонлама равнақ, Ўзбекистон халқига эса тинч тараққиёт, эркин, хавфсиз ва фаровон келажак тилайман.

**Франк-Вальтер ШТАЙНМАЙЕР,**
**Германия Федератив Республикаси Федерал Президенти**

### Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Жаноби Олийларига

Муҳтарам Президент жаноблари!

Ўзбекистон Республикасининг миллий байрами ва мустақиллигининг 30 йиллиги муносабати билан ўз номимдан ва Франция халқи номидан Сизга табрикларимни йўллашдан мамнунман ҳамда Ўзбекистон халқига равнақ тилайман.

Мамлакатларимиз юзага келган санитария-эпидемиологик вазиятга қарамасдан икки томонлама ҳамкорликни аъло даражада сақлаб қола олганидан мамнунман. Жорий йил май ойида ташқи савдо ва иқтисодий жозибадорлик вазири Франк Риестернинг Ўзбекистонга ташрифи кўплаб келишувларни имзолаш ҳамда авиация, энергетика, туризм инфратузилмаси, шаҳарларни барқарор ривожлантириш ва сув хўжалиги соҳаларида иқтисодий ҳамкорлик бўйича янги лойиҳаларни бошлаш имконини берди. Ўзбекистон бу йилда иқтисодий ўсиш кузатилган саноқли мамлакатлардан бири бўлгани алоҳида диққатга сазовор. Корхоналаримиз мамлакатингиздаги фаолиятини давом эттиришлари ва у ерда лойиҳаларни ишлаб чиқишларига умид қиламан.

Биз кўплаб йўналишларда — маданият, иқтисодиёт ва тиббиёт соҳаларида ҳамкорлик лойиҳаларини бошладик, ушбу ижобий суръатни яқин ой ва йилларда ҳам давом эттиришга умид билдираман. Айниқса, халқингизнинг ноёб меросини қадрлаш мақсадида Санъат ва маданиятни ривожлантириш жамғармаси билан шериклikда меросни асраб-авайлаш борасидаги ҳамкорлигимиздан мамнунман. Бугунги кунда Франция илмий гуруҳлари иштирокида қайта тиклаш бўйича ҳам бир нечта лойиҳа амалга оширилмоқда. Ниҳоят, яқин ойларда Францияда Ўзбекистон иштирокида бир нечта муҳим кўргазмалар бўлиб ўтиши яна бир бор маданий алоқаларимиз нақадар бой ва мустаҳкам эканини кўрсатмоқда.

Президент жаноблари, Сизга бўлган юксак ҳурмат-эҳтиромимни қабул қилгайсиз.

**Эммануэль МАКРОН,**
**Франция Республикаси Президенти**

### Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Жаноби Олийларига

Ҳурматли Президент жаноблари!

Европа Иттифоқи номидан Сизни мамлакатингиз мустақиллигининг ўттиз йиллик байрами билан муборакбод этишга ижозат бергайсиз.

Ўзбекистон ёш давлат бўлса-да, ҳар қанча фахрланишга арзигулик қадимий меросга асосланган. Мустақиллик йилларида мамлакатингиз кўп ютуқларга эришди, минтақада ва жаҳонда ўз мавқеини мустаҳкамлади.

Сизнинг раҳбарлигингиз остида Ўзбекистон қўшнилар билан кўприкларни тиклади ва минтақангизда барқарорлик ва тинч ҳамкорликни илгари суришда етакчиликни ўз зиммасига олди. Глобал ва минтақавий таҳдидларни енгиб ўтиш йўлида шериклик қилиш ўзаро ҳамкорлигимизнинг устувор йўналишларидан бири ҳисобланади ҳамда Афғонистондаги сўнгги воқеалар нуқтаи назаридан ғоятда долзарб аҳамият касб этмоқда.

Европа Иттифоқи уч ўн йиллик давомида мамлакатингиз билан Шериклик ва ҳамкорлик тўғрисидаги битим асосида самарали ҳамкорлик қилиб келмоқда. Муносабатларимиз мустаҳкамланишда давом этиб, шу йилнинг баҳорида биз юртингизнинг атроф-муҳитни бошқариш ва инсон ҳуқуқлари каби соҳалардаги халқаро конвенцияларга қўшилиш борасидаги муваффақиятларининг эътирофи сифатида Ўзбекистоннинг савдо преференцияларини олиш бўйича GSP+ тизимидан фойдаланиш имкониятига эга бўлганини олқишладик.

Муносабатларимизни янги, фаол ҳамкорлик босқичига кўтариш ниятидамиз, зеро, Кенгайтирилган шериклик ва ҳамкорлик битими бўйича музокараларимиз якунига етмоқда. Ушбу битимнинг қабул қилиниши Ўзбекистон мустақиллиги ва икки томонлама муносабатларимизнинг 30 йиллигини нишонлаш учун муносиб натижа, Сиз амалга ошираётган модернизация ва ислоҳотлар дастури эришаётган ютуқларнинг ифодаси бўлади.

Шуни ҳисобга олиб, мен Европа Иттифоқининг Марказий Осиё бўйича янги тайинланган махсус вакили, элчи Тери Хакаладан унинг Ўзбекистонга ташрифи доирасида муҳим соҳалардаги минтақавий ва икки томонлама ҳамкорликни янада ривожлантириш имкониятларини ҳукуматингиз билан муҳокама қилишни сўрадим.

Ҳурматли Президент жаноблари, мамлакат етакчиси сифатида Сизга ушбу табрик мактубини йўллар эканман, яқин келажакда Брюсселга режалаштирилаётган ташрифингиз доирасида Сиз билан учрашамиз, деб умид билдираман.

Муҳтарам Президент жаноблари, Сизга бўлган юксак ҳурмат-эътиборимни қабул қилгайсиз.

Чуқур ҳурмат билан,

**Шарль МИШЕЛЬ,**
**Европа Кенгаши Президенти**

*Шунингдек, қуйидагилар ўз табрикларини йўллаган:*

Беларусь Республикаси Президенти **Александр ЛУКАШЕНКО**

Саудия Арабистони Подшоҳи, Икки муқаддас масжид ходими **Салмон бин Абдулазиз Ол САУД**

Бирлашган Араб Амирликлари Президенти шайх **Халифа бин Зоид Ол НАҲАЁН**

Миср Араб Республикаси Президенти **Абдулфаттоҳ ас-СИСИ**

Эрон Ислом Республикаси Президенти **Иброҳим РАИСИЙ**

Ўмон Султони **Ҳайсам бин Торик Ол САИД**

Фаластин Давлати Президенти **Маҳмуд АББОС**

Япония Императори **Нарухито**

Буюк Британия ва Шимолий Ирландия Қироличаси **Елизавета II**

Испания Қироли **Фелипе VI**

Нидерландия Қироли **Виллем-АЛЕКСАНДР**

Австрия Республикаси Федерал Президенти **Александр Ван дер БЕЛЛЕН**

Болгария Республикаси Президенти **Румен РАДЕВ**

Венгрия Президенти **Янош АДЕР**

Латвия Республикаси Президенти **Эгилтс ЛЕВИТС**

Польша Республикаси Президенти **Анжей ДУДА**

Португалия Республикаси Президенти **Марселу Ребелу де СОУЗА**

Румыния Президенти **Клаус ЙОХАННИС**

Сербия Республикаси Президенти **Александр ВУЧИЧ**

Финляндия Республикаси Президенти **Саули НИИНЕСТЁ**

Чехия Республикаси Президенти **Милош ЗЕМАН**

Швейцария Конфедерацияси Президенти **Ги ПАРМЕЛИН**

Эстония Республикаси Президенти **Керсти КАЛЬЮЛАЙД**

Австралия Иттифоқи Генерал-губернатори **Девид ХЁРЛИ**

Рим-католик черкови раҳбари **Франциск**

Сингапур Республикаси Президенти **Ҳалима ЁҚУБ**

Шри-Ланка Демократик Социалистик Республикаси Президенти **Готабая РАЖАПАКСА**

Таиланд Қироллиги Бош вазири **Прают Чан-ОЧА**

Саудия Арабистони Подшоҳлиги валиаҳди, Вазирлар Кенгаши раиси ўринбосари, мудофаа вазири **Муҳаммад бин Салмон бин Абдулазиз Ол САУД**

Бирлашган Араб Амирликлари Вице-президенти, Бош вазири, Дубай амирлиги ҳокими шайх **Муҳаммад бин Рошид Ол МАКТУМ**

Бирлашган Араб Амирликлари Қуролли кучлари Олий бош қўмондони ўринбосари, Абу-Даби Амирлиги валиаҳди шайх **Муҳаммад бин Зоид Ол НАҲАЁН**

Бирлашган Араб Амирликлари Бош вазири ўринбосари, Президент ишлари бўйича вазири шайх **Мансур бин Зоид Ол НАҲАЁН**

Бирлашган Араб Амирликлари Бош вазири ўринбосари, ички ишлар вазири **Сайф бин Зоид Ол НАҲАЁН**

Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги Ижроия қўмитаси раиси — Ижрочи котиби **Сергей ЛЕБЕДЕВ**

Иқтисодий ҳамкорлик ташкилоти бош котиби **Хусрав НОЗИРИЙ**

Жаҳон сайёҳлик ташкилоти бош котиби **Зураб ПОЛОЛИКАШВИЛИ.**

*Қутловлар келиши давом этмоқда.*

## «ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН» БОҒИ ВА МУСТАҚИЛЛИК МОНУМЕНТИ ОЧИЛДИ

← 1

— Биз бугун Ватанимиз мустақиллигининг 30 йиллик байрамини кенг нишонлаяпмиз. Лекин аслида, Ўзбекистон ҳудудидаги миллий давлатчилик тарихи 3 минг йилдан зиёд даврни ташкил этади. Бу жаҳон фанида эътироф этилган илмий ҳақиқатдир. Ушбу монументни яратишда мана шу концептуал ғояни ёрқин ифода этишга ҳаракат қилдик, — деди Шавкат Мирзиёев.

Маълумки, эл-юртимиз ўзининг қадимий ўтмиши давомида шонли воқеаларни, турли синов ва қийинчиликларни, зафарли даврлар билан бирга, фожиали кунларни ҳам бошидан кечирган. Мустақиллик монументида булар бадиий акс эттирилган.

— Ўтмишдаги ютуқ ва ғалабалардан куч-қувват олиб, хато ва мағлубиятлардан хулоса ва сабоқ чиқариб яшайдиган халқ ўзининг тараққиёт йўли ва келажагини тўғри белгилай олади. Шу сабабли, биз ушбу ёдгорлик тимсолида Ўзбекистонимизнинг қадимги тарихидан бошлаб то бугунги кунга қадар юз берган энг муҳим воқеаларни муҳрлашга қарор қилдик, — деди Президентимиз.

Мажмуада буюк саркарда ва жаҳонгирлар, аллома ва мутафаккирлар, жадид боболаримизнинг ўлмас сиймолари акс эттирилган. Ўзбекистоннинг собиқ мустабид тузум давридаги оғир ва машаққатли ҳаёти, қатағон сиёсати, халқимизнинг Иккинчи жаҳон урушида кўрсатган жасорат ва матонати таъсирчан лавҳаларда ифодаланган.

Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти Ислом Абдуғаниевич Каримов раҳбарлигида халқимизнинг миллий мустақилликка эришиш йўлини акс эттиришга алоҳида эътибор қаратилган.

Ёдгорлик юртимизда янги Ўзбекистонни — учинчи Ренессанс пойдеворини яратиш ғояси билан уйғун ҳолда барпо қилингани айниқса аҳамиятлидир. Унда миллий давлатчилигимизнинг рамзи бўлган соҳибқирон Амир Темур салтанатининг мовий гумбази, юлдузлар оламига қараб юксалган Мирзо Улуғбек расадхонаси, дунё илм-фани ва цивилизациясига беқиёс ҳисса қўшган улуғ мутафаккир боболаримизнинг энг нодир илмий кашфиётлари ўзининг бор маҳобати ва шукуҳи билан кўз олдимизда яққол намоён бўлиб турибди.

Тинчлик ва эркинлик, эзгулик ва фаровонлик тимсоли бўлган, кўкда мағрур парвоз қилаётган Ҳумо қуши тасвири монументнинг энг юқори қисмида — бамисоли унинг гултожи бўлиб ўрин эгаллаган.

— Мустақиллик монументи она Ватанимиз, мард ва жасур, тинчликсевар ва меҳнаткаш, қаҳрамон халқимиз шарафига бунёд этилган буюк обида сифатида қад ростлади. Монумент пойига битилган: "Халқимиз тарихида эзгу из қолдирган барча аждодларимиз доимо қалбимизда", деган чуқур маъноли сўзлар ота-боболаримиз хотирасига бугунги авлодларнинг юксак ҳурмат ва эҳтиромини англатади, — деди Шавкат Мирзиёев.

Маросимда нуронийлар, фан ва маданият намояндалари сўзга чиқиб, барчани ушбу воқеа билан табриклади.

Президент Шавкат Мирзиёев жамоатчилик вакиллари билан бирга Мустақиллик монументини очди. Мажмуа пойига гуллар қўйилди.

**ЎзА.**

### Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҚАРОРИ

## ҚУРИЛИШ МАТЕРИАЛЛАРИ САНОАТИНИ ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Тадбиркорларнинг муаммо ва таклифларини бевосита ўрганиш ҳамда тадбиркорликни келгусида ривожлантиришнинг асосий йўналишларини белгилаб олиш бўйича **2021 йил 20 август куни** ўтказилган Ўзбекистон Республикаси Президентининг тадбиркорлар билан **очиқ мулоқоти** доирасида белгиланган масалалар ижросини таъминлаш, шунингдек, қурилиш материаллари ишлаб чиқаришда бозор муносабатларини чуқурлаштириш мақсадида:

1. Молия вазирлиги, Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлигининг:

2021 йил 1 октябрдан бошлаб цемент (клинкер) ишлаб чиқарувчилар учун фойда солиғининг ставкасини **20 фоиздан 15 фоизгача** пасайтириш;

2022 йил 1 январдан бошлаб цемент ишлаб чиқаришга мўлжалланган 1 тонна оҳактош учун ер қаъридан фойдаланганлик учун солиқ ставкасини икки баравар камайтирган ҳолда **22 500 сўм миқдорда** белгилаш ҳақидаги таклифлари маъқуллансин.

2. Молия вазирлиги бир ой муддатда мазкур қарордан келиб чиқиб, "Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодексига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги қонун лойиҳасини Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

3. Ушбу қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Ж.А.Қўчқоров зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент шаҳри,
2021 йил 31 август

# ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОНДА ЭРКИН ВА ФАРОВОН ЯШАЙЛИК!



1 — **Халқимиз қалбидаги ҳуррият сари эзгу интилишни ҳеч қандай босқин, зулм ва зўравонликлар йўқота олмади. Бунга кўҳна тарихимизнинг ўзи гувоҳ.**

**1991 йил 31 август куни мамлакатимиз ҳаёти ва тақдирида туб бурилиш ясаган, том маънодаги буюк тарихий воқеа юз берди. Неча юз йиллар давомида келажакка катта умид ва ишонч билан қараб, ҳамиша сабр-матонат билан яшаган халқимиз улуғ орзусига эришди — ўзининг давлат мустақиллигини қўлга киритди**, — деди давлатимиз раҳбари.

Мустақиллик куни — халқимизнинг энг улуғ ва энг азиз байрами. Ўзбекистон бундан ўттиз йил олдин ўз тақдирини ўзи мустақил белгилаш ҳуқуқига эга бўлди, мустақил тараққиёт сари йўлга чиқди. Табиийки, катта йўлга чиққан Ўзбекистон қанча қийинчиликлар, машаққатларни, оғир синову имтиҳонларни бошдан кечирмади, дейсиз.

Шу 30 йил асрларни қаритган тарих учун лаҳзага тенг, аслида. Аммо мана шу қисқа давр халқимиз учун нечоғли муҳим аҳамиятга эга бўлганини бугун ҳар биримиз юракдан теран ҳис қиламиз. Шу давр мобайнида янги авлод камолга етди. Энг муҳими, ҳаёти маъно-мазмуни, мақсад-муддаоси ва онгу дунёқараши тубдан ўзгарган юртдошларимизни мустақилликни янада мустаҳкамлаш, тинчлик ва осойишталигимизни кўз қорачиғидек асрабавайлаш, баркамол авлодни тарбиялаб, Ўзбекистоннинг жаҳондаги обрў-эътибори ва нуфузини тобора юксалтиришдек эзгу мақсадлар бирлаштирган.

Президентимиз ўз нутқида Ўзбекистон мустақиллигини эълон қилиб, тарихимизнинг энг мураккаб ва оғир даврларида давлатимизни бошқарган Биринчи Президентимиз Ислом Каримовни, унинг раҳбарлигида амалга оширилган улкан ишларни ёдга олди.

Дарҳақиқат, истиқлол йилларида юртимизда янги давлат ва жамият қурилди. Замонавий давлатчилик асослари, қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд ҳокимиятлари шаклланди. Қадимий тарихимиз, бой маданий меросимиз, миллий-диний қадриятларимиз, ўзлигимиз тикланди. Ватанимиз жаҳон ҳамжамиятидан муносиб ўрин эгаллади. Инсон ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини, сўз ва виждон эркинлигини таъминлашга алоҳида эътибор берилмоқда. Инсон ҳуқуқлари бўйича Миллий стратегия қабул қилинди. Кўп йиллардан буён жиддий муаммо бўлиб келган мажбурий ва болалар меҳнати тўлиқ тугатилди.

Бугунги Ўзбекистон кечаги Ўзбекистон эмас. Ватанимиз жаҳон кўз ўнгида тубдан янгиланаётган, "Миллий тикланишдан — миллий юксалиш сари" тамойили асосида дадил интилаётган мамлакатимиз ҳар соҳада фаоллашди. Ислоҳотларга яраша халқимизнинг ўй-хаёллари, тафаккури, орзу-интилишлари-ю, эзгу мақсад-муддаолари ҳам тамоман ўзгарди. Эртанги кунга бўлган ишонч ошди.



ЎзА суратлари.

Яна бир жиҳат. Бу йил истиқлол шодиёналарига тайёргарлик кўриш ва уни кенг нишонлашга оид ҳужжат салкам бир йил аввал эълон қилинди. Яъни "Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг ўттиз йиллик байрамига тайёргарлик кўриш ва уни юқори савияда ўтказиш тўғрисида"ги Президент қарори 2020 йил 17 декабрда қабул қилинган эди. Бу нимадан дарак? Албатта, мустақиллигимизнинг юбилей тўйига жуда пухта ҳозирлик кўриш ва мазкур айёмнинг моҳиятини халққа кенг етказиш ғоятда муҳим. Бу босиб ўтилган йиллар, бошдан ўтказилган машаққатли, синовли кунлар, эришилган марралар, галдаги вазифалар ҳақида теранроқ ўйлашга ундайди.

Қутлуғ сана "Янги Ўзбекистонда эркин ва фаровон яшайлик!" деган эзгу шиор остида нишонланишида ҳам улкан маъно бор. Зеро, янгиланишларсиз эркин ҳамда тўкин ҳаётни тасаввур этиш мушкул.

Давлатимиз раҳбари таъкидлаганидек, республикамизда Инсон ҳуқуқлари бўйича Миллий стратегия қабул қилингани бу борадаги ишларни янги босқичга олиб чиқди. Узоқ йиллар жиддий муаммо бўлиб келган мажбурий ва болалар меҳнати тўлиқ тугатилди. Ўтган йилнинг ўзида 50 мингдан ортиқ юртдошларимизга Ўзбекистон фуқаролиги берилди.

Президентимиз ана шундай хайрли ишларнинг мантиқий давоми сифатида Мустақиллик байрами муносабати билан яна бир муҳим Фармонга имзо чекканини, унга мувофиқ, озодликдан маҳрум этиш жазосини ўтаётган, қилмишига чин кўнгилдан пушаймон бўлиб, тузалиш йўлига қатъий ўтган 215 нафар шахс афв қилиниб, ўз оиласи ва яқинлари бағрига қайтиш имконига эга бўлганини қайд этди.

Таъкидлаш жоизки, ўтган беш йил, нафақат Ўзбекистон, балки бутун дунё халқлари учун кескин синовлар даври бўлди. Айниқса, ўтган йили бошланган коронавирус пандемияси ва шу сабабли келиб чиққан иқтисодий инқироз глобал дунёнинг ажралмас қисми сифатида Ўзбекистон учун ҳам жиддий муаммоларни юзага келтирди. Аммо пандемия қийинчиликларида тобланиб, янада кучли ва қудратли бўлиб чиқишни уддалаяпмиз. Халқимизнинг жўш урган қудрати, аҳиллиги ва фидокорона меҳнати билан бу синовларни енгиб ўтяпмиз.

2017 — 2020 йилларда мамлакатимизнинг иқтисодий ўсиш даражаси 18,3 фоизни ташкил этиб, ялпи ички маҳсулот 60 миллиард долларга етди. Ташқи савдо айланмаси кўпайди, саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш бир неча баробар ўсди. Бу эса аҳоли турмуш фаровонлигини таъминлашга хизмат қилаётир.

Мамлакатимизда олиб борилаётган жадал ва кенг кўламли ислоҳотлар юртимизда янги даврни — янги Ўзбекистон даврини бошлаб берди. Ҳаётга татбиқ этилаётган улкан лойиҳалар одамлар ҳаётига файз олиб кирмоқда.

— **Ислоҳотлар доирасида қабул қилинган йирик дастурлар жамиятимизда ижтимоий муҳитни яхшилаш ва аҳоли фаровонлигини оширишга хизмат қилмоқда. Биргина "Обод қишлоқ" ва "Обод маҳалла" дастурларини оладиган бўлсак, жорий йилнинг ўзида жами 8 мингга яқин қишлоқ ва маҳаллада умумий қиймати 20 триллион сўмлик қурилиш, таъмирлаш ва ободонлаштириш ишлари олиб борилаётгани, ўйлайманки, кўп нарсадан далолат беради,** — деди Шавкат Мирзиёев.

Давлатимиз раҳбари ўз нутқида таълим-тарбия, бу борадаги ишларга урғу бериб, таълим-тарбиянинг бошланғич бўғини бўлган мактабгача таълим тизимидаги ўзгаришлар, хусусан, соҳада ягона давлат сиёсатини юритиш мақсадида Мактабгача таълим вазирлиги ташкил этилганини таъкидлади.

Рақамларга эътибор беринг: 2017 йили юртимизда 5 минг 211 та боғча фаолият юритган бўлса, жорий йилда бу кўрсаткич 19 минг 316 тага етган. Бу мактабгача таълимга қамров даражаси кескин ошишига сабаб бўлди.

Албатта, нафақат таълим, балки тиббиёт, иқтисодиёт, аграр, АКТ ва бошқа барча йўналишда улкан ютуқлар қўлга киритиляпти. Буларнинг таг-замирида, албатта, истиқлол, мустақиллик тушунчаси ётади. Бусиз натижаларга эришиб бўлмаслиги кундек равшан.

Сўнгги йиллардаги очиқ ва прагматик ташқи сиёсат туфайли мамлакатимизнинг минтақа ҳамда жаҳон миқёсидаги нуфузи ошди. Дунёда Ўзбекистонга нисбатан ишонч руҳи ва ҳамкорликка интилиш тамойиллари кучайди. Президентимиз байрам тадбирида қатнашган хорижий давлатлар элчилари, халқаро ташкилотлар вакиллари ва чет эллик шерикларни ҳам қутлаб, эзгу тилакларини билдирди.

Байрам шодиёнаси концерт дастури билан давом этди. Саҳнада мустақиллик йилларида эришилган улкан муваффақиятлар, салмоқли натижалар турли бадиий гуруҳлар чиқишлари орқали намойиш этилди. Дилбар куй-қўшиқларда Ватан, ободлик, тинчлик, осуда ҳамда саодатли ҳаёт улуғланди. Бахтли авлод вакиллари эса беғубор орзуларни, ҳаёт нашидасини, истиқлол берган улуғ неъматни баралла куйлашди.

Мустақиллик қуруқ ва баландпарвоз тушунча эмас, балки унинг замирида бугунги тинч-осойишта кунларимиз, фаровон ҳаётимиз, улуғвор мақсадларимиз, ҳар соҳада эришаётган улкан натижаларимиз мужассам. Шунинг учун ҳам мустақиллик барчамиз учун бебаҳо бойликдир.

Ватанимиз мустақиллигининг 30 йиллиги тантаналари барча ҳудудларда давом этмоқда.

**Раҳим ШЕРҚУЛОВ**
**(«Халқ сўзи»).**

# ВАТАН ФИДОЙИЛАРИНИНГ ҲАЁТИ ВА МЕРОСИНИ ЎРГАНИШ, ХОТИРАСИНИ АБАДИЙЛАШТИРИШ ДОИМИЙ ЭЪТИБОРДА

## Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 31 август куни пойтахтимиздаги Шаҳидлар хотираси хиёбонига ташриф буюрди.

У ерда жамоатчилик Ватанимиз фидойилари, миллий истиқлол йўлида қурбон бўлган аждодларимиз хотирасини ёд этиш учун йиғилди. Қуръон тиловат этилиб, ўтганлар ҳақига дуо қилинди. Элга ош тортилди.

Мустабид тузум даврида юртимиз озодлиги учун курашган 100 мингдан ортиқ ватандошларимиз қатағонга учраган. Уларнинг қанчаси "халқ душмани" деган туҳмат билан шафқатсиз отиб ташланган. Яна қанчаси сургун қилиниб, азоб-уқубатларга дучор этилган. Оилалари пароканда бўлиб, мол-мулклари тортиб олинган. Бу мудҳиш жиноятдан муштипар момоларимиз, оналаримиз ҳам омон қолмаган. Минглаб аёллар бева, болалар етим қолган.

Бу нафақат уларнинг авлодлари, балки бутун халқимиз юрагидаги оғриқдир. Шу боис орадан шунча вақт ўтса-да, барчамиз ўша мудҳиш даврни изтироб билан эслаймиз.

2001 йилдан буён 31 август — "Қатағон қурбонларини ёд этиш куни" сифатида нишонлаб келинмоқда. Ватан фидойиларининг ҳаёти ва меросини ўрганиш, хотирасини абадийлаштиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Бу йил Шаҳидлар хотираси хиёбонида бунёдкорлик ишлари амалга оширилди. Қатағон қурбонлари хотираси давлат музейи биноси реконструкция қилинди.

Давлатимиз раҳбари ушбу музейни кириб кўрди. У ерда яратилган шароитлар, тарихий ҳужжатлар билан танишди.

— **Кўриниб турибдики, катта салоҳиятга эга етакчилар, олимлар, адиблар, шифокорлар, ўқитувчилар қатағон қилинган. Улар халқимизнинг энг сара вакиллари эди. Мустабид тузумга миллат кўзини очадиган, унга ўзлигини танитадиган зиёли инсонлар керак эмас эди. Уларнинг айби — буюк бўлгани, — деди Шавкат Мирзиёев.**

Афсуски, шу пайтгача қатағон қурбонларининг тўлиқ рўйхати шакллантирилмаган эди. 2020 йил 8 октябрда Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Қатағон қурбонларининг меросини янада чуқур ўрганиш ва улар хотирасини абадийлаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги фармойиши қабул қилинди.

Тарихчи олимлар жалб этилиб, зулм қурбони бўлган барча инсонларни аниқлаш ва номларини тиклаш бўйича катта ишлар бошланди. Чет эллардаги архив ва музейлар, кутубхона ва фондлар билан ҳам ҳамкорлик йўлга қўйилиб, илмий экспедициялар ташкил этилмоқда. Ички ишлар вазирлиги, Давлат хавфсизлик хизмати, Фанлар академияси ва бошқа ташкилотларнинг архивларидан янги-янги маълумотлар топилмоқда.

Қорақалпоғистон Республикаси ва барча вилоятларда қатағон қурбонларига бағишланган музейлар ташкил этилди. Уларда расмий материаллар билан бирга оилавий архивларда сақланиб қолган кўплаб тарихий ҳужжатлар, ноёб суратлар тўпланмоқда. Қатағон қурбонларининг номлари, уларнинг ҳаёти ва фаолияти вилоятлар, туманлар кесимида аниқланмоқда. Бу маълумотлар асосида кўп жилдлик "Қатағон қурбонлари" китоби нашрга тайёрланяпти.

Президентимиз бундай катта илмий асарлар билан бирга мактаб ўқувчилари учун содда тилда, кичик-кичик китоблар чиқариш зарурлигини таъкидлади. Бунинг учун Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятларга Тарих институтининг илмий ходимларини бириктириб, ҳар бир ҳудуддаги жадид боболаримиз, қатағон қурбонлари номини тиклаб бориш бўйича кўрсатма берилди.

Давлатимиз раҳбари тарихни ўрганиш ва ўргатиш вазифалари ҳақида гапирди.

— **Биз шу вақтгача тарихнинг ўзимизга ёққан жойларини олиб, ёқмаган томонини яшириб ўтдик. Бировга ёқадими-ёқмайдими, ғururимизми-армонимизми, муваффақиятми ё хиёнатми — ҳаммасини ҳаққоний ёзиш керак, — дея таъкидлади Президент.**

Ҳақиқатни тиклаш борасидаги яна бир қадам — шу йил 25 август куни Ўзбекистон Олий суди томонидан 115 нафар қатағон қурбони оқланди. Президентимиз бу қарорни олқишлади.

— **Орадан қарийб юз йил ўтиб адолат қарор топди. Миллий истиқлолимиз учун кураш олиб борган, лекин реабилитация қилинмай қолган 115 нафар бобомизнинг пок номлари оқланди. Ҳали бундайлар қанча? Ватанпарвар инсонларнинг шаънини тиклашга қаратилган эзгу ишларни давом эттириш керак, — деди Шавкат Мирзиёев.**

Хиёбондаги рамзий қабр ёнида нуронийлар, уламо ва зиёлилар билан мулоқот бўлди. Давлатимиз раҳбари аждодлар хотираси, бугунги мустақиллик ва тинчлик қадри ҳақида гапирди.

— **Жадид боболаримиз юртимизни озод этишга, қолоқликдан олиб чиқиб, ҳамма соҳаларни ривожлантиришга борини бағишлаган. Бунинг бадалини ўз жонлари билан тўлаган. Биз бугунги мустақиллик, тинчлик, эркинлик шароитида уларни эслашимиз, эъзозлашимиз ҳам қарз, ҳам фарз, — деди Шавкат Мирзиёев.**

Дунёда бўлаётган воқеаларга огоҳ кўз билан қараш, тинчлик-осойишталикнинг қадрига етиш муҳимлиги таъкидланди.

— **Ҳамма натижалар, мана шундай байрамларимиз тинчлик туфайли. Ишларимиз, ибодатларимиз тагида илм-маърифат бўлиши керак. Ислом цивилизацияси маркази, Ислом академияси, Имом Бухорий ва Имом Термизий халқаро илмий-тадқиқот марказларини ташкил этдик. Буюк муҳаддис ва ислом дини уламоларимиз асарлари нашр этилмоқда. Янги таҳрирдаги "Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида"ги Қонун шу масалаларга қаратилган. Имом-хатиблар, диний жамоатчилик маънавиятни юксалтириш, меҳр-оқибатни мустаҳкамлаш, ёшларга тўғри тарбия беришга бундан буён ҳам ҳисса қўшадилар, деб ишонаман, — деди Президент.**

Аллоҳдан ўтганларга раҳмат, юртимизга тинчлик ва фаровонлик тилаб дуо қилинди.

**ЎзА.**

# БЕҲАЛОВАТ СЎЗ ЗАРГАРИ

## меҳнатининг юксак эътирофи

*Давлат рамзлари деганда, аксарият юртдошларимиз фақат Давлат байроғи, Давлат герби ва Давлат мадҳиясини тушунади. Бинобарин, бу муҳим тимсоллар қаторига — давлатнинг номи, Конституцияси ва Президенти, пойтахти ва миллий валютаси, мукофот ва унвонлари ҳам киради.*

*Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг қатор фармонлари асосида мамлакатимиз мустақиллигининг 30 йиллиги муносабати билан бир гуруҳ юртдошларимиз фахрий унвонлар, орден ва медаллар билан тақдирлангани давлат аҳамиятига эга воқеа ҳисобланади. Ушбу мукофотларни топшириш маросими Ўзбекистон Президентининг бевосита иштирокида Кўксаройда бўлиб ўтгани буни яққол тасдиқлайди.*

### Дил сўзи

Давлатимиз раҳбари шахсан юксак мукофотларни топширган фидойи юртдошларимиз орасида Ўзбекистон Қаҳрамони, таниқли адабиётшунос олим ва моҳир таржимон, атоқли адиб ва меҳрибон мураббий Иброҳим ака Ғафуров ҳам бор. Юртбошимиз "Ўзбекистон Қаҳрамони" унвони гувоҳномаси ва "Олтин юлдуз" медалини ўз соҳибига тақдим этар экан, жумладан, шундай деди:

— Мен Эркин Воҳидов ва Абдулла Орипов билан дўст эдим. Абдулла Орипов билан Зомин мактабини ташкил қилган эдик. Эркин аканинг бир гаплари бўлар эди: "агар ўзбек тилининг буюклигини билишни хоҳласанг, Иброҳимжондан сўраш керак", дерди. Иброҳим ака миллий адабиётимизнинг ана шундай забардаст намояндаси.

Ўз навбатида, Ўзбекистон Қаҳрамони Иброҳим Ғафуров юксак эътибор ва эътироф учун миннатдорлик изҳор этар экан, аввалламбор, "Юртбошимиз 5 йил аввал Президентликка киришганидан бошлаб ўз лавозимини кабинетдан халқ орасига олиб кирди. Президент Шавкат Мирзиёев халқ ичига кирди, одамларнинг ишончини қозонди. Узоқ қишлоқларга, таълим аудиторияларига, қўшни давлатлар қалбига кириб борди бу инсон", деди Иброҳим ака.

Президентимиз янги Ўзбекистон ғоясини илгари сурди. Янги Уйғонишга ҳам бугунги авлод асос солишига халқимизни ишонтирмоқда. Натижада юртдошларимизда кучли рағбат ва бунёдкорлик руҳи уйғонди. Айрим мамлакатларда очарчилик юз берган бир вазиятда Ўзбекистон дунёни кийинтирмоқда. Мамлакатимиз ҳар томонлама обод бўлмоқда. Ўзбекистон раҳбари маънавиятни юксалтириш масаласини БМТнинг юксак минбарида кўтармоқда.

Устоз Иброҳим ака юз карра ҳақ. Бинобарин, кейинги йилларда бутун жаҳон аҳлини саросимага солган коронавирус инқирозига қарамай, миллат Сардори раҳнамолигида Ўзбекистон давлати ва ўзбек халқи ҳаётнинг турли соҳаларида эришган улкан ютуқларда Иброҳим Ғафуровнинг ҳам ўзига хос ҳиссаси бор.

Устоз бу ҳақда мақтанишни истамайди холос. Чунки Иброҳим ака бутун ҳаёти меҳнат ичида ўтган эл-юртнинг фидойи бир зиёлиси, камтарин ва ҳалол инсон. Барча устозлари каби миллий маънавият ва маърифат равнақи йўлида тиним билмай изланади. Юртбошимиз таъбири билан айтганда, "Иброҳим Ғафуров бутун ҳаёти давомида худди Заҳириддин Муҳаммад Бобур каби беҳаловат яшаб, илму ижод қилиб келаётган нозиктаъб сўз заргаридир".

Аввалламбор, Иброҳим ака "Ўзбекистон адабиёти ва санъати", "Миллий тикланиш" газеталарида ишлаган кезларида ушбу даврий нашрларнинг равон тили, мақбул сифати ва юксак савиясидан газетхон сифатида ҳамиша кўнглим тўлган. Устоз турли нашриётларда хизмат қилганида ҳам, китобсевар халқимизга юксак савияли адабий-бадиий асарлар тақдим этишга интилиб келган.

Шу тариқа камина Иброҳим Ғафуровнинг илмий-ижодий ва бадиий муҳаррирлик фаолияти билан ёшлигимдан, эллик йилдан буён яхши таниш бўлсам-да, ўзаро яқин муносабатларимиз Олий Мажлис депутатлари сифатида 1999 — 2008 йиллардаги қонун ижодкорлиги жараёнлари билан бевосита боғлиқ. Иброҳим ака билан ўн йилдан ортиқ вақт мобайнида битта бинода, ёндош иш кабинетларида қонун ижодкорлиги фаолияти билан шуғулланганимиз менга фахр-ифтихор бағишлайди.

Ўша даврда Иброҳим ака мамлакатимизда оммавий ахборот воситаларининг ҳуқуқий асосларини мустаҳкамлаш йўлида улкан хизмат қилди. Айниқса, қонунларимизнинг тили равон, ифода услуби аниқ ва тушунарли бўлишини таъминлашда ўзининг чуқур, қамровдор билими ва катта амалий тажрибаси билан бекиёс ҳисса қўшди.

Иброҳим Ғафуров нафақат давлат арбоби, балки жамоат арбоби сифатида ҳам жамиятимиз равнақида ўз инъикосини топган эзгу хизматлари билан фахрланса арзийди. Гап шундаки, Иброҳим ака "Миллий тикланиш" демократик партиясининг етакчиси сифатида ушбу сиёсий партиянинг шаклланиши, оёққа туриши, юксак ҳуқуқий мақомга — парламент партияси даражасига эришиши йўлида астойдил жонбозлик кўрсатди.

Иброҳим аканинг депутат, сиёсий етакчи, бош муҳаррир сифатида олиб борган самарали фаолияти, шубҳасиз, мени доим ҳайрон қолдирган. Айни чоғда, шундай тиғиз ижтимоий-сиёсий кун тартибига қарамай, у киши адабиётшунослик, таржимонлик ва таржимашунослик соҳалари билан боғлиқ қизғин ижодий жараёнлардан ҳеч қачон узилиб қолмагани, аксинча, ҳамиша адабу маърифат уммонининг дарғаларидан бири бўлиб келаётгани ҳайратимни янада оширади.

Бу ҳақда сўз юритганда, биринчи навбатда, Иброҳим Ғафуровнинг адабиётшунос мақомидаги илк китоби — **"Гўзалликнинг олмос қирралари"** 1963 йилда чоп этилганини таъкидлаш лозим. Ўтган қарийб олтмиш йил давомида бу соҳада **"Дил эркинлиги", "Ҳаё — халоскор", "Мангу латофат"** каби яна ўнлаб китоблари нашрдан чиқди.

Ушбу китобларнинг айримларида мумтоз адабиётимизда одамийлик ва умуминсоний қадриятларнинг акс этиши чуқур тадқиқ қилинган бўлса, бошқа бирларида адабий авлодларнинг майдонга кириб келиши, адабиётдан мустаҳкам ўрин олиши ҳақида кенг мушоҳада юритилган.

Таниқли адабиётшунос нақд ярим асрдан бери ўзбек адабиёти жараёнларини теран таҳлил, тадқиқ ва талқин этиб келади. Бадииятда ҳаққонийлик ва инсонийлик, адолат ҳамда миллий ўзига хослик, илмийлик ва холислик принципларининг намоён бўлиши ҳолатларини кузатади.

Иброҳим ака нафақат машҳур адабиётшунос, балки етук ва зукко таржимашунос ҳамдир. Олимнинг 2008 йилда **"Таржимонлик мутахассислигига кириш"** ўқув қўлланмаси ва 2012 йилда ҳаммуаллифликда **"Таржима назарияси"** дарслиги нашр этилган. Бу асарлар мамлакатимиз олий ўқув юртларининг таржимонлик факультетлари талабаларига мўлжалланган бўлиб, ўқув жараёнида қўл келаётгани таҳсинга лойиқдир.

**Таржима — маърифат қўнғироғи**, дейдилар. Ростдан ҳам, таржиманинг маърифат тарқатиш борасидаги аҳамияти беқиёсдир. Таржима, аввало, турли тилда сўзлашувчи халқларни яқинлаштиришга, бир-биридан ўрганишга, уларнинг дўстлиги ва ҳамкорлигига хизмат қилади.

Бу ўринда Иброҳим Ғафуров жаҳон адабиётининг нодир асарлари, хусусан, Э. Хемингуэйнинг **"Чол ва денгиз"** қиссаси ҳамда **"Алвидо, қурол"** романини, Г. Маркеснинг **"Бузрукнинг кузи"**, Ж. Жойснинг **"Улисс"**, Нозим Ҳикматнинг **"Сурур"** романларини ўзбек тилига таржима қилганини алоҳида қайд этиш лозим. Шунингдек, Чингиз Айтматов қаламига мансуб **"Қиёмат" ("Кунда"), "Қулаётган тоғлар"** романлари ва **"Чингизхоннинг оқ булути"** қиссаси устоз Иброҳим аканинг таржимасида миллий адабиётимиз хазинасидан жой олди.

Иброҳим Ғафуров **"Панчатантра"** номли беш достондан иборат ҳинд эпоси ва **Конфуций ҳикматлари**ни, Ф. Нитшенинг **"Зардўшт таваллоси"** насрий достонини, Сартр, Фолкнер, Эдгар По, В. Распутин, А. Солженицин каби жаҳон адабиёти намояндалари қаламига мансуб қисса ва ҳикояларни ҳам мароқ билан она тилимизга ўгириб, ўзбек китобхонларига туҳфа этди.

Олис тарих шундан далолат берадики, Шарқ халқлари адабиётида бадиий маҳорат даражасининг юксаклиги, одатда, ижодкорнинг хамсачилик, яъни **"Хамса"** ёзиш билан боғлиқ достоннавислик анъанасини ривожлантиришга қўшган ҳиссаси асосида баҳоланган. Ғарбда, хусусан, насронийлик дунёсида эса ёзувчи ижодининг забардастлигини белгилашда **"Беш буюк китоб"** ("Библия"нинг дастлабки бешта китоби мисолида) тамойилидан келиб чиқилади.



Шу маънода, **Фёдор Достоевский** "Беш буюк китоб" — **"Жиноят ва жазо", "Телба", "Қиморбоз"** (бошқа рўйхатларда — **"Ўсмир"**), **"Иблислар"** ва **"Ака-ука Карамазовлар"** романларини яратган иқтидорли муаллиф сифатида нафақат рус адабиёти, балки жаҳон адабиётида ўз юксак ўрни ҳамда мавқеига эга ёзувчи ҳисобланади.

Ф. Достоевскийнинг "Беш буюк китоб" туркумига кирган машҳур романларининг барчаси биринчи бўлиб немис тилига ўгирилиб, кейин Европанинг бошқа тилларига таржима қилинган. Аммо бу туркум Вильгельм Вольфсон ёки бошқа немис таржимонлари томонидан ҳам ҳалигача тўлиқ таржима қилинмаган.

Бу юксак маррани биринчи бўлиб забт этиш француз таржимони **Андре Маркович**га насиб этган. А. Маркович ўн йилдан кўпроқ вақт оралиғида — 1991 — 2002 йилларда Достоевскийнинг "Беш буюк китоб" туркумига кирган машҳур романларини француз тилига тўлиқ таржима қилган.

Ўзбекистон вакили — Иброҳим Ғафуров Фёдор Достоевский қаламига мансуб "Беш буюк китоб" таркибига кирган романларнинг барчасини тўлиқ таржима қилишга мушарраф бўлган дунёдаги иккинчи солиҳ таржимондир.

Ф. Достоевскийнинг "Беш буюк китоб"ини аслият ва таржимасини ўзаро қиёслаб ўқиб чиққан талабчан китобхон сифатида шуни алоҳида таъкидлашни истардимки, Иброҳим Ғафуров таржималарида ушбу соҳага оид талаб ва мезонларнинг барчасига муваффақиятли даражада амал қилинган.

Бу жараёнда, театр ибораси билан айтганда, таржимон Иброҳим Ғафуров ёзувчи Фёдор Достоевскийнинг образига кириши, яъни у каби фикрлаши, сўзлаши, кенг дунёқарашга эга бўлиши, ҳаётни унингдек тадқиқ қилабилиши керак эди. Шундай ҳам бўлди: **узоқ йиллар ва 5 та салмоқли роман таржимаси асносида устоз Иброҳим ака том маънода Достоевскийнинг тимсолига айлана олди!**

Яна бир муҳим ҳолат: Ф. Достоевский юксак иқтидор соҳиби экани билан бир қаторда, тақводор ва эътиқодли инсон ҳам бўлган. Шунинг учун адиб қаламига мансуб "Беш буюк китоб" таркибига кирган романларнинг ғоявий мазмунида диний-маърифий йўналиш устувор ўринда тургани табиий. Аслида, собиқ советлар замонида Достоевскийнинг ҳаёти ва ижодини ўрганиш масаласи мактаб дарсликларига киритилмаганини ҳам айни шу омил билан изоҳласа бўлади.

Шундай экан, худосизлик сиёсати "от сурган" замонда, яъни 1977 йили — **"Жиноят ва жазо",** 1981 йили **"Телба"** романларини ўзбек тилига таржима қилган ва китоб ҳолида нашр этилишига эришган Иброҳим аканинг маънавий жасоратига тасаннолар дейишимиз керак.

Бошқача айтганда, Фёдор Достоевский асарларини ўзбек тилига таржима қилиш мисолида Иброҳим Ғафуров ўзининг:

**биринчидан,** нафис бадиий диди;

**иккинчидан,** юксак маънавий жасорати;

**учинчидан,** теран маърифий заковатини намоён этди.

Айнан шунинг учун ҳам Иброҳим Ғафуров "Ўзбекистон Қаҳрамони" унвони учун Президентимизга чуқур миннатдорлик билдирар экан, **бу олий мукофот жорий йилда бутун дунёда таваллудининг 200 йиллиги кенг нишонланаётган улуғ адиб Фёдор Достоевский ижодига берилган юксак баҳо** ҳам эканини қайд этгани бежиз эмас.

Хулоса ўрнида айтганда, давлатимиз раҳбари таъкидлаганидек, Иброҳим акага ўхшаган ҳалол инсонлар ҳаёти, меҳнати, умри мисолида халқимизга, ёшларимизга ҳамиша ўрнак ва намунадир. Умр бўйи битта ёзув столи, ручка ва китоб тўла хонадан бошқа бирор нарсани ўзи учун эп кўрмаган шундай инсон, албатта, Ўзбекистон Қаҳрамони бўлишга лойиқ.

Фурсатдан фойдаланиб, мамлакатимиз қалам аҳлига юксак ғамхўрлик кўрсатиб, мунтазам қўллаб-қувватлаётгани учун Ўзбекистон Президентига чин қалбдан миннатдорлик билдирамиз.

Устоз Иброҳим акани олий унвон билан муборакбод этамиз!

**Акмал САИДОВ,**
**Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Спикерининг биринчи ўринбосари.**

Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши,
Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Сенати Кенгаши

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2020 йил 25 мартда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 948. 31 673 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А–2. Баҳоси келишилган нархда.

Газетамиз ҳақидаги маълумотларни юклаб олиш учун QR-кодини телефонингиз орқали сканер қилинг.

ТЕЛЕФОНЛАР:
Девонхона 71-233-52-55;
Котибият 71-233-10-28; Эълонлар 71-232-11-15.

ISSN 2010-8788

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.

Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда оператор М. Бегмуратов томонидан саҳифаланди.

Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига "Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул.
Босмахона телефони: 71-233-11-07.

· МАНЗИЛИМИЗ:
100000,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.

Навбатчи муҳаррир — З. Худойшукуров.
Мусаҳҳиҳ — С. Исломов.

"Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили:
Буюк Турон кўчаси, 41. ЎзА якуни — 04.45 Топширилди — 05.35 1 2 3 4 5 6